Ушбу сонда:
2 31 АВГУСТ - ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ
3-7 МУНОСИБ ТЎЁНА
8 ОНА ЗАМИНИМ МЕНИНГ Публицистика

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 30 август, шанба № 135-136 (1561)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

29 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси бошланди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмокда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов ҳисобот берди. Бу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов қўшимча маъруза қилди.

Ушбу масала муҳокамасида Бўзатов тумани ҳокими А.Жуманов, «Андижонгўштсуғоноя» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси П.Мамаков, Фарғона тумани марказий шифохонаси бош шифокори М.Мамажонов қатнашди.

Муҳокама этилган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари қонунчилик ҳокимияти вакиллари бўлган депутатлар мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг биринчи ярим йилликдаги ижросини холис муҳокама этиши, бюджетнинг иккинчи ярим йилликдаги ижросида ҳисобга олиш керак бўлган аниқ таннқидий фикрларни билдириши лозимлигини таъкидлади.

Маъруза муҳокамасини Сурхондарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳузуридаги 13-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси директори Э.Донаев, Гулистон шаҳридаги 4-мактаб директори Г.Латипова, «Халқ сўзи» газетасининг фотомухбири Т.Ҳамроқулов давом эттирди.

Молия вазири М.Нурмуродов берилган саволларга жавоб қайтаргач, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов миллий валютани мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чоратадбирлар ва халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик истиқболларининг моҳиятини тушунтириб берди. Депутатлар давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» (янги таҳрири) ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунлар лойиҳаларини Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси муҳокамасида Наманган шаҳри ҳокими М.Тожибоев, Когон ёғэкстракция заводи қурилиш дирекцияси директори М.Зайниев, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Миллий Олимпия қўмитаси президенти А.Носиров, Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш институти Фарғона бўлими илмий ходими М.Раҳматов иштирок этди. Парламент янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунни маъқуллади ва уни жорий этиш ҳақида қарор қабул қилди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан «Фидокорлар» миллий демократик партияси Марказий Кенгаши котиби, «Фидокор» газетаси бош муҳаррири ўринбосари А.Болиев, Косонсой тумани ҳокими У.Маматов, Хўжайли тумани деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ваколатхонаси раиси Х.Шерибоев ўз фикрини билдирди. Депутатлар «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунлар лойиҳаларини ҳам депутатлар муҳокамасига ҳавола этди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамасида Булунғур тумани ҳокими Х.Боймуродов, Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси, Хоразм вилояти Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Хўжаниёзова, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси котиби Н.Қамбаров, Тахтакўпир тумани «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Адилов, Ангор тумани ҳокими Т.Ҳамроев иштирок этди. Депутатлар муҳокама этилган қонунни қабул қилиш учун овоз берди.

Сессияда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан Хатирчи тумани ҳокими Э.Турдимов, «Бухородонмаҳсулот» ишлаб чиқариш-акционерлик уюшмаси раиси Б.Бозоров, «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош маҳаррири, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси Х.Дўстмуҳамедов, Қарши шаҳри ҳокими И.Асадов ўз фикрларини билдирди. Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоиловнинг янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича маърузасидан бошланди. Урганч давлат университети ректори А.Саъдуллаев, Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти бошқаруви раиси - бош директори В.Кучеров, Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари И.Ғофуров, Сариосиё тумани ҳокими П.Мадиев, «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н.Кучерский иштирок этган муҳокамадан сўнг, парламент мазкур қонун ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева «Фидокорона хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида маъруза қилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги раиси А.Орипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломованинг чиқишидан сўнг, депутатлар «Фидокорона хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари Й.Жўраев «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича маъруза қилди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев, Ромитан тумани ҳокими А.Нозимов, Қамаши тумани марказий шифохонасининг бош шифокори А.Ғафуров, «Ўзбекинвест» миллий компаниясининг Фарғона вилояти шўъба корхонаси директори А.Мўминов, Оқдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги 2-мактаб директори Ж.Исроилов иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Бу лойиҳа бўйича «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси бош директори А.Мелкумов, Томди тумани ҳокими А.Назаров, Шаҳрихон шаҳридаги «Ривож» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари К.Отахонов, «Ўзкимёсаноатлойиҳа» лойиҳа-технология институти бош директори Ҳ.Назаров, «Лола-Узор» кўп тармоқли хусусий фирмаси директори Х.Мирзаахмедов, «Бухоротурист» акционерлик жамияти раиси М.Зокиров сўзга чиқди. Депутатлар «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 30 август куни ўз ишини давом эттиради.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Мамлакатингиз мустақиллигининг 1 сентябрда нишонланадиган ўн икки йиллик байрами муносабати билан Сизни ва Ўзбекистон халқини Америка халқи номидан самимий қутлайман. Ушбу воқеа -давлатларимиз ўртасидаги мавжуд яхши муносабатларни яна бир бор таъкидлаш учун қулай фурсатдир.

Терроризмга қарши урушга қўшган мардона ҳиссаси учун ҳукуматингиздан миннатдормиз. Мамлакатингиз халқининг ўз манфаатларига ҳам, шунингдек, минтақада тинчликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилувчи гуллаб-яшнайдиган, барқарор ва демократик Ўзбекистонни бунёд этиш ишида бундан буён ҳам ҳукуматингиз билан ҳамкорлик қилишга астойдил содиқ бўлиб қоламиз.

Истиқлолингизнинг келгуси йилларида ҳам тинчлик ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

Самимий эҳтиром билан,

Жорж БУШ,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами - Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Халқларимизни асрлар мобайнида боғлаб келаётган дўстлик ва ишонч анъаналарини Россияда юксак қадрлайдилар. Бу мустаҳкам негиз - икки томонлама муносабатларни илдам ва жўшқин ривожлантириш, стратегик шериклик ҳамда ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш гаровидир.

Ишончим комилки, Самарқанддаги учрашувимиз чоғида эришилган аҳдлашувларни рўёбга чиқариш Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳатсаломатлик ва масъулиятли давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерациясининг Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловлар йўллаш менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Ушбу фурсатдан бажонидил фойдаланиб, айни вақтда шахсан Сизга омонлик, Ўзбекистон Республикаси халқига эса саодатли истиқбол тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

Томас КЛЕСТИЛЬ,
Австрия Республикаси Федерал Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Сизни ва халқингизни давлат байрами - Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Словакия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бундан буён ҳам давлатларимиз ва халқларимизнинг фаровонлиги йўлида ривожланиб бораверишини астойдил хоҳлайман.

Сизнинг Словакия Республикасига бўлажак ташрифингиз муносабатларимизни ривожлантиришга янги омил бахш этишига ишончим комил.

Жаноби Олийлари, камоли эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Рудольф ШУСТЕР,
Словакия Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий куни - 1 сентябр байрами муносабати билан Сизга ғоят қизғин қутловлар, шунингдек, мустаҳкам соғлиқ ҳамда шахсий ва давлат ишларингизда каттадан-катта муваффақиятлар, ўзбек халқига эса тинчлик ва равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни йўллайман.

Давлатларимиз ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик, Сиз билан яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашувимизда аҳдлашиб олганимиздек, бундан буён ҳам мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида тобора кенгайиб, чуқурлашиб бораверишига ишончим комил эканлигини маълум қиламан.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Ион ИЛИЕСКУ,
Руминия Президенти

ДИПЛОМАТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейида ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоевнинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

- Сизлар билан халқимизнинг улуғ байрами, Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллик тўйи арафасида учрашиб турибмиз, - деди вазир. - Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ташқи сиёсатда ҳам улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Президент Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсат натижаси ўлароқ Ўзбекистон халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини топди. Бугунги кунда мамлакатимиз дунёнинг қарийб барча давлатлари, халқаро тузилмалар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда 44 давлат элчихонаси, 20 халқаро ташкилот ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Ўзбекистон қирқдан зиёд давлатда ҳамда халқаро ташкилотларда ваколатхона очган.

Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан яна бири халқаро майдонда фаол иштирок этишдир. Бу борада БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ, МОҲ каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Учрашувда ташқи ишлар вазири мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ва унинг самаралари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

(ЎзА)

Йиллар ва одамлар

ХУСУСИЙ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТИ

Мустақиллик йилларида Жиззах шаҳри ҳамда вилоят туманларида кўплаб қурилиш ишлари амалга оширилди. Бунда хусусий қурилиш ташкилотларининг улуши салмоқли бўлаётир.

Масалан, «Камрон», «Электромонтаж», «Наврўз айёми», «Қурилишашёсавдо», «Карбонад», «Камол», «Жиззахоҳак» сингари жамоалар ўзларининг сифат кўрсаткичлари билан аллақачон тилга тушган.

Акром Раҳмонқулов раҳбарлигидаги «Камол» хусусий фирмаси 1997 йили ташкил этилган. Фирма ҳозиргача Жиззах вилоятидаги кўплаб қурилиш объектларининг бош пудратчиси бўлиб қатнашди ва бу иншоотларни фақат «яхши» баҳолар билан топширишга муваффақ бўлди.

Жиззах шаҳрининг дарвозаси саналмиш «Ором» мажмуи яқин ўтмишда кўримсиз эди. Унинг ўрнида баландлиги 21 метрлик улкан фаввора қурилиб, атрофи ободонлаштирилди. Натижада у одамларнинг севимли дам олиш масканига айланди. Жиззахдаги 6-мактаб, вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятчиликка қарши курашиш департаменти биноси ўзининг ташқи кўриниши, жилоси билан шаҳарга кўрк ва салобат бағишлаб турибди.

Ҳозирги кунда бунёдкорлар Жиззах шаҳри марказида «Санъат коллежи»ни барпо этишаяпти.

Биз мазкур қурилишда бўлганимизда вилоят тармоқ ходимлари касаба уюшмалари Кенгашининг раиси Шукур Тожиқулов ҳамда бошланғич ташкилот раиси Аниса Юсуповаларни учратдик. Улар қурувчилар ҳолидан хабар олишгани келишган экан.

Ш.Тожиқуловнинг айтишича, бу жамоада ижтимоий ҳимоянинг муҳим жиҳати ҳисобланган иш ҳақи ўз вақтида бериб борилаяпти. Қурилиш объектида меҳнат қилаётган 130 нафар кишининг ҳар бири ўртача 60 минг сўмдан ойлик маош олмоқда.

– Кадрлар қўнимсизлигига тўлиқ барҳам берилган, - дейди фирма касабақўм раиси А.Юсупова. – Жамоа шартномасида белгиланган бандлар тўла бажарилишига эришилаяпти.

Умумий лойиҳа-смета қиймати 510 миллион сўмлик бўлган мазкур объектда иш қизғин. Тендер савдосида ғолиб чиққан «Камол» хусусий қурилиш ташкилоти бу ерда бош пудратчи саналади. «Кантент», «Энергетик», «Импульс» каби хусусий қурилиш ташкилотлари эса ёрдамчи пудратчи сифатида бунёдкорлик ишларининг бир маромда боришига кўмаклашмоқда.

– Ишлар икки сменада олиб бориляпти, - дея суҳбатга қўшилди ташкилотнинг иш юритувчиси Норпўлат Исоқов. Ҳозиргача 450 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Мақсадимиз – 10 сентябргача иншоотни тўлиқ фойдаланишга топшириш.

Қурилишда 180 нафар киши меҳнат қилаяпти. Қурувчилар кунига икки маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Уларга тажрибали ошпаз Абдужаббор Ҳалилов ширин ва мазали таомлар тайёрлаб бермоқда.

Ж.Қиёмов, М.Равшанов, Р.Ортиқов, В.Морфинин сингари ўнлаб фидокор бунёдкорларнинг меҳнатлари туфайли Жиззах санъат коллежи биносида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаяпти.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ фанларини ривожлантириш, ўзларининг билим ва ҳаётий тажрибаси асосида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик ва жасурлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ҳамда кўп йиллик фидокорона хизматлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

Якубов Александр Санджарович - Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Кистаубаев Сервер Эсеркепович - Тошкент вилояти Янгийўл тумани ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлинмасининг экипаж командири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

Дадажонов Шуҳрат Аҳмадуллаевич - Мудофаа вазирлиги Марказий ашула ва рақс ансамблининг бошлиғи

Давлатимизнинг иқтисодий ва мудофаа салоҳиятини юксалтириш, миллий хавфсизлигини муҳофаза этиш, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Дадабаев Юнус - Наманган вилояти хўжалик судининг судьяси

Исмоилов Собиржон Абдуллаевич - Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

Лухманов Аман - Сурхондарё вилояти прокурорининг ёрдамчиси

Муҳитдинова Фарруха Фахриддиновна - Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси

Палванов Самандар - Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари

Полвон-зода Абдусамат Абдухамидович - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

I ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Иноятов Рустам Расулевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Адилов Мирсамад - Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Бердимуратов Усман Юлдашевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жабборов Музравжон - Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Исаев Марат Дамирович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рахманов Рустам Каримович - Мудофаа вазирлиги батальон командири

Салиев Зокир Тулкун-Адилович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шамурадов Алишер Хамидуллаевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қодиров Рашитжон Хамидович - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

Ғуломов Қодир Ғофурович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Бобожонов Пўлат Раззоқович - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуроринг ўринбосари

Девятов Анвар Каюмович - Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ахборот марказининг бошлиғи

Жиемуратов Каллибек Умирбекович - Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи

Искандаров Анварбек - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқаси хизмати бошлиғи

Макаров Павел Леонтьевич - Мудофаа вазирлиги ҳарбий оркестрлар хизмати бошлиғи - бош ҳарбий дирижёр

Маслова Надежда Григорьевна - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг катта прокурори

Реимов Бахит Базарбаевич - Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Солиев Нусратулла Лутпуллаевич - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари

Цой Лариса Константиновна - Наманган вилояти адвокатлар ҳайъатининг адвокати

Республикамизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган жасурлиги ва мардлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Алимов Вохиджон Мусажонович - Мудофаа вазирлиги бригадасининг қўриқлаш взводи катта ўқчиси

Анарбоев Бобомурод Абдувалиевич - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости ўқчиси

Ашурматов Мухамади Рахмонбердиевич - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости старшинаси

Байрамов Муртазо Мустафаевич - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара райони бошлиғи

Бахриев Хуршид Ражаббоевич - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси командири

Болтаев Тилов Джураевич - Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг катта тезкор вакили

Гаиров Баходир Файзуллаевич - Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бўлинма командири

Галимов Равшан Савдоханович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Гафуров Артур Владимирович - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг штурмани

Гофуров Зиёхидин Нематжонович - Фарғона вилояти Боғдод тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

Дженгазиев Юсуп Османович - Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Джуракулов Мустафоқул Абдуқахарович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Донишев Қаҳрамон Пирмахматович - Мудофаа вазирлиги ўқув базасининг ўқув гуруҳи командири

Джумаев Нодиржон Махмудович - Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

Жамолов Исоқ Зайниевич - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг бошқарма бошлиғи

Зарипов Рафаил Габделхайевич - Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг отряд командири

Ибрагимов Абдужалал Абдукамалович - Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг йўл-патрул хизмати инспектори

Иброхимов Абдужаббор Халилович - Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлимининг профилактика бўйича инспектори

Иргашев Азамат Каримович - Бухоро вилояти божхона бошқармасининг бўлинма бошлиғи

Исмаилов Шухрат - Тошкент вилояти божхона бошқармаси постининг кичик инспектор-кинологи

Исраилов Арслон Бегматович - Жиззах вилояти божхона бошқармаси постининг катта инспектори

Мамадалиев Улуғбек Пулатбекович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Маманов Алишер Маматович - Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

Маматқулов Насриддин Бурхонович - Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати милиционери

Матчанов Озад - Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлинмасининг командири

Мирзаев Мирағзам Ахатович - Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи

Морозов Александр Ахмедович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Муинов Алишер Мусинович - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командирининг ўринбосари

Муратов Фахритдин Кадирович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мухаммеджанов Магрибджан Махмудович - Мудофаа вазирлиги бригадаси командири

Сабиров Джахонгир Рўзиевич - Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали бўлинмаси бошлиғи

Сайдалиев Исомиддин Мухитдинович - Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

Саламов Ботиржон Абдураззакович - Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлимининг профилактика бўйича катта инспектори

Саримсаков Махмуджон Тухтасинович - Чирчиқ олий танкчилар қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг катта ўқитувчиси

Тухтаев Шойимардон Шониёзович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости кузатувчиси

Урдабаев Саит Сайдувалиевич - Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Хакимов Шомурод Холбозарович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секция командири

Хусаинов Темур Собирович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости ўқчиси

Хусанов Баходир Ғаниевич - Мудофаа вазирлиги батальони оператори

Шакирджанов Игорь Урманович - Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари

Шарипов Сайфулло Убайович - Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати милиционери

Шукуров Абубекир Гайбуллаевич - Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси патрул-пост хизмати бригадасининг милиционер ҳайдовчиси

Эрматов Қаҳрамон Уктамович - Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар Бош бошқармасининг взвод командири

Эшчонов Отохон - Хоразм вилояти божхона бошқармаси постининг бошлиғи

Юлдашев Шавкат Валиевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Республикамизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда Ватанимизнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва мудофаа қудратини юксалтиришдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаева Шаходат Чулиевна - Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонасининг мудираси

Абсарова Лариса Хусанбековна - Фарғона вилояти прокуратураси умумий назорат бўлимининг катта прокурори

Аллаяров Чарияр - Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи

Базаров Узак - Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси

Бекмуродов Қурбон Дилмуродович - Бухоро вилояти божхона бошқармаси «Олот» божхона назоратини ўтказиш комплексининг бош инспектори

Бобоев Норбой Мехлиевич - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Бойханов Зокиржон Бахритдинович - Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Наманган вилояти кенгаши раиси

Давлетов Ражаб - Хоразм вилояти Янгиариқ тумани Давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи

Даниелян Эдуард Арамович - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Есиркепов Кумекбай - Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани прокуратурасининг терговчиси

Жамолдинов Мўйдинжон Мустафакулович - Фарғона вилояти Фурқат тумани суд ижрочилари бўлинмасининг катта суд ижрочиси

Жўраев Фарҳод Жалилович - Жиззах вилояти Арнасой тумани Давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи

Исламов Зайнитдин Мухитдинович - Тошкент Давлат юридик институти «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» кафедрасининг мудири

Кильберг Раиса Геннадиевна - Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармасининг бўлим бошлиғи

Куваева Гульсара Темировна - Самарқанд вилояти хўжалик судининг судьяси

Мамадияров Бутаяр - Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судьяси

Маматова Саламат - Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти Урганч туман судининг раиси

Махмудова Бакпашша - Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди раисининг ўринбосари

Ниязметов Мирзорахмат Имометович - Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг бошқарма бошлиғи

Сағираев Абдумажит Халиқович - Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлимининг катта эксперти

Серикбаев Халдарбек Дуйсебаевич - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари

Тарасюк Александр Энилович - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуроринг ўринбосари

Таджибаев Абдурахман Абдурахимович - Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Тангриев Абдулло Товашевич - Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабининг ўқитувчиси

Тожиев Маҳмуджон Ахматкулович - Фарғона вилояти адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи

Турсунов Комилхон (марҳум) - Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг ўқув маркази бошлиғи

Хурбоев Билолиддин Эргашбоевич - Андижон вилояти божхона бошқармасининг «Маданият» божхона пости бошлиғи

Шарипов Бахтиёр Шокирович - Хоразм вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 август

Республикамизнинг барча жойларида нишонланаётган мустақиллик байрами сайҳунободликлар томонидан ҳам муносиб равишда қаршиланди. Турли хил томошалар, концертлар туман аҳли қалбига, хонадонига олам-олам қувонч олиб келди. Энг қувонарлиси, туман ҳокимлиги ташаббуси билан бунёд этилган Хотира майдони мучал тўйимизга ажойиб тухфа бўлди.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН БУНЁД ЭТИЛДИ

II жаҳон уруши қатнашчилари ва туманни ободонлаштириш йўлида меҳнати сингган инсонлар номларини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган Хотира майдонининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар қисқа давр ичида республикамизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганлигини яна бир бор таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, энг буюк неъмат – мустақилликни мустаҳкамлаш, кўз қорачиғидек асраш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги зўр мамнуният билан тилга олинди. Шундан сўнг нуроний отахонлар Қуръон тиловат қилиб, ўтганлар руҳини шод қилишди.

Абдурасул ЁРБЕКОВ

---

31 август - Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

ТАРИХИЙ ХОТИРА

огоҳликка ундайди

Донолар топиб айтган, ўтган кунингни унутма, эски чориғингни ташлама, деб. Халқимиз қандай оғир синовларни кўрмади. Қанча азобларни бошдан кечирмади. Лекин иродаси ҳеч қачон букилмаган. Ҳамиша мардона туриб ҳақ ва адолат учун курашган. Шу маънода Қатағон қурбонларини ёд этиш куни элу юрт, Ватан мустақиллиги йўлида жон фидо қилган оталаримиз хотирасига халқимизнинг беқиёс эҳтиромидир. Шўро қатағони кўплаб оилаларга ўз таъсирини ўтказган. Бу ҳақдаги эсдаликлар, хотираларни кўплаб ўқиганман, нуронийлар суҳбатида бўлганман. Ана шундай қатағон қурбонига учраган 80 ёшли Р.Каримовнинг сўзлари ҳеч хотирамдан кетмайди. Истиқлолнинг қадрига етишга, боболарга муносиб ворис бўлишга, яхши ўқиб элимиз довруғини дунёга ёйишга даъват этардилар. Бобонинг аччиқ қисмати ҳақидаги ҳикояларни биз ёшлар интиқлик билан кутардик. Отахоннинг айтишларича, падари бузруквори Карим бобо бой бадавлат бўлгани боис қулоқ қилиб юборилганча, бедарак кетган. Оналари не азоб билан фарзандларини вояга етказганларида, уруш бошланган. Ҳали 16 ёшга тўлмаган акалари Сайиджон кўнгилли бўлиб ҳарбий хизматга жўнаган. Уни фронтда «халқ душманининг ўғли» деб камситишар, оғир жангларга солишаркан. Ана шундай аёвсиз олишувларнинг бирида у ҳалок бўлган.

Отанинг ўғиллари Афзал ака эса билимдон мутахассис, ўз касбининг фидойиси бўлса-да 80-йилларда «пахта иши» билан қамалган. Онаизори ҳақсизликка чидолмай дунёдан кўз юмган.

Каримовлар оиласидаги бу хўрликларга истиқлол малҳам бўлди. Юртбошимиз йиллар давомида ноҳақ камситилган инсонларнинг қадрини тиклади. Биринчи навбатда «пахта иши» билан қамалганлар озод этилдилар.

Ҳар гал шаҳидлар хотираси музейига бориб, минглаб ватандошларимизнинг фожеали қисмати билан танишар эканман, бугунги дориламон кунлар биз учун осон кечмаганига имон келтираман. Беихтиёр бу яхши кунлар учун жон олиб жон берган фидойилар, истибдод қурбони бўлган минглаб оддий инсонлар хотираси кўз олдимга келади.

Тарихий хотира бизни ҳамиша руҳий уйғоқликка, огоҳликка ундайди.

Навбаҳор РАҲМОНОВА,
Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси

Бугун 12 йиллигини кенг тантана қилаётганимиз Истиклол осонликча қўлга киритилгани йўқ. Бу мўътабар ва мукаррам кунларга эришмоқ йўлида халкимизнинг кўплаб фидойи ўғлонлари шаҳид бўлди. Тухмату зулмга дучор этилди. Мустабид тузум наинки истиклол фидойиларини, балки уларнинг жигарбандлари, қариндош-уруғларини ҳам аямади.

ЧУҚУР ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Биз мустақиллик нашидасидан баҳраманд бўлаётган, озод ва ҳур замонда, тоборо дунёга юз очиб бораётган буюк мамлакатда яшаб, меҳнат қилаётган авлод, уларнинг пок руҳлари олдида доимо бурчлимиз.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентнинг Бўзсув канали соҳилида қурилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуидан зиёратчилар қадами узилмаётгани озод ва эркин ҳаёт, адолат, халқимизнинг қадр-қиммати йўлида жон фидо этган юртдошларимиз пок хотираларига чуқур эҳтиром рамзи, мунаввар кунлар шукронасидир.

Юртбошимиз томонидан 31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни этиб белгиланган халқимиз, айниқса ёшлар учун буюк аждодларимизни хотирлаш, уларнинг жасорати олдида ҳурмат бажо келтириш, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдек улуғ мақсадларга хизмат қилмоқда. Бу эзгу санани нишонлаш неча минг йиллик миллий анъана ва қадриятларимизни янада бойитиб, янги мазмун билан тўлдирмоқда.

Дарҳақиқат, Истиқлол йилларида мустамлакачилик даврида қатағонга учраган ватандошларимизнинг пок руҳларини шод этмоқ йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Мазкур ёдгорлик мажмуидаги музейдан жой олган тарихий экспонатлар шу ҳақиқатнинг яққол исботидир. Улар қаторига бу йил яна юздан ошиқ нодир экспонат қўшилди.

Бу ерда миллий мустақиллик учун курашган, халқимиз ор-номуси, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга бел боғлаб, шу муқаддас ният учун жонини тиккан ота-боболаримизга таллуқли ашёлар билан бир қаторда, ситамкор давр қурбонлари - юртдошларимиз чеккан азиятларни акс эттирувчи ашёлар ўрин олган. Истиқлол йилларида тарихий ҳақиқатни тиклаш, воқеа ва ҳодисаларга холисона баҳо бериш борасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар тўғрисидаги маълумотлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Тарихий хотирасиз - келажак йўқ. Эл-юрт озодлиги, шаъни йўлида курашиб шаҳид кетган, адолатсизлик қурбонига айланган ватандошларимиз хотирасини эъзозлашга берилаётган эътибор буюк келажагимиз томон дадил олға бораверишимиз, эзгу мақсад ва хайрли ниятларимизни рўёбга чиқараверишимиз йўлида куч-ғайрат манбаи бўлиб хизмат қилаверади.

(ЎзА)

АҚШ: ОШПАЗЛАР ЭНЕРГЕТИКА КОМПАНИЯЛАРИНИ СУДГА БЕРДИ

Шарҳловчи минбари

Шу йилнинг 14 августида АҚШнинг саккиз штатида ҳамда Канаданинг икки вилоятида электр таъминотининг узилиб қолиши кутилмаган шов-шувларга сабаб бўлган эди. «Blackout -2003» деб номланган мазкур техник ҳалокат юзасидан ҳозир тергов комиссияси иш олиб бормоқда.

Куни кеча мазкур комиссия электр таъминотининг узилиб қолиши маълум шахсларнинг эътиборсизлиги оқибатида юз берган, деган хулосани эълон қилди. Маълум бўлишича, электр таъминоти билан шуғулланувчи компаниялар дастлаб Огайо штатидаги энергетика таъминоти узилганида тезда зарур чораларни кўрмаган.

Натижада бирданига бошқа штатларда, жумладан, Канаданинг Онтарио вилоятида ҳам электр таъминоти узилган. Ҳалокат оқибатида АҚШ иқтисодиётининг ўзи олти милليард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрди. Мазкур энергетик узилиш минг километрдан зиёд масофадаги ҳудудни қамраб олди.

Маълумотларга қараганда, АҚШ энергетика тизимида кутилмаган носозликлар юзага келган ҳолларда ишнинг бир маромда боришини таъминловчи қурилмалар мавжуд. Тергов комиссияси вакилларининг фикрича, мазкур мосламалар хизматчилар йўл қўйган хато туфайли юзага келган муаммони бартараф эта олмаган. АҚШда чоп этиладиган «Нью-Йорк таймс» газетасида айтилишича, агар хизматчилар белгиланган йўриқномаларга амал қилганида, бундай ҳалокатнинг олди олинган бўлур эди.

Ҳалокат сабабларини тергов қилиш бўйича АҚШ-Канада комиссиясига АҚШ энергетика вазири Спенсер Абрахам ҳамда Канада табиат ресурслари вазири Герб Даливал раҳбарлик қилмоқда. АҚШ энергетика вазири Спенсер Абрахамнинг таъкидлашича, комиссия иши ҳали узоқ давом этади.

Шимолий Америка электр таъминоти масалалари кенгаши ҳам мазкур ҳалокатни ўрганиб чиқиш учун ўттиз нафар мутахассис ажратди. Улар тезлик билан содир бўлган ҳалокатнинг чизмасини ишлаб чиқишга муваффақ бўлди. Унга кўра, АҚШ штатлари ва Канада вилоятларининг зулмат қаърига ғарқ бўлиши учун ўн секунд, электр таъминотини тиклаш учун эса ўттиз соатдан зиёд вақт керак бўлган.

Нью-Йорк ресторанлари эгалари тергов натижаларини кутиб ўтирмади. Ўтган ҳафтада АҚШнинг «Кон Эдисон» ва «Фэрст энержи корпорейшн оф Акрон» энергетика компанияларига нисбатан суд даъвоси қўзғатилди.

Шикоятчиларнинг сўзларига қараганда, мазкур корпорациялар фавқулодда вазиятда ўзларининг маъсулиятсизликларини ва техник яроқсизликларини намойиш қилди. Натижада биргина Нью-Йоркдаги йигирма икки минг ресторан ва кафе музлатгичлари ишламагани боис катта зарар кўрилди. Нью-Йорк ресторанлари уюшмаси вакиллари кўрилган зарарни етмиш беш-юз миллион доллар атрофида баҳоламоқда.

Ҳозирча фақат ресторан ва кафе эгаларининг шикоятлари тингланмоқда. Ҳали олдинда дўкон ва супермаркет эгаларининг арз-додлари турибди. Шаҳар маъмурияти вакилларининг умумий ҳисоб-китобларига кўра, ҳалокат натижасида икки юз эллик миллион долларлик озиқ-овқат маҳсулоти яроқсиз ҳолга келиб қолган.

(ЎзА)



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

ОЛТИН ЯПРОҚЛАР

Кенг далалар оша эсаётган сабо зафарон дарахт баргларини чирт-чирт узиб, унинг оёклари остига тўшайди. Пахтазорлар, болга тўлган боғлар сеҳрли бир манзара кашф этган. Аҳмат ака шу тобда негадир фермерлик сари қўйилган биринчи қадамни, масъулиятли онларни хаёлидан ўтказди.



Хозирги Амир Темур номли ширкат хўжалиги ҳудудидан қароксиз, қақраган ер олиб, «Лочин» фермер хўжалигини ташкил этганида хайратланганлар кўп бўлди. Сарф-харажат, меҳнат зое кетади, яхши ҳосил битмайди, дея уни хайрли ишдан қайтармоқчи бўлганлар орасида кекса соҳибкорлар ҳам бор эди. Бироқ Аҳмат фермер ўзига, шогирдларига қаттиқ ишонди. Дастлабки кезлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилди. Ҳал қилувчи дамларда билими, тажрибаси, асл деҳқонлардан олган ўгитлари асқотди. Омади бор экан, биринчи йилиёқ «Лочин» фермер хўжалиги мавсумни муваффақиятли якунлаб, 4 миллион сўм соф фойдага эга бўлди. Қизиғи шундаки, катта имкониятга эга бўлган хўжалик эса йилни зарар билан якунлади. Ушанда қишлоқ кишилари фермерлик кони фойда эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилдилар.

Муваффақият Аҳмат Нарзуллоевга қанот бағишлади. У туман раҳбарлари розилиги билан ташландиқ ҳолда ётган ферма биносини кимошди савдосида сотиб олиб, чорвачиликка ҳам асос солди. Бозордан 20 бош қорамол келтириб, меҳр билан парваришлади. Шу тариқа янги иш ўринлари яратди. Аҳмат полвон тер тўкиб, меҳнат қилиб, унинг самарасидан руҳланиб яшарди. Фермер бойиса кўпга нафи тегади, деб бежиз айтишмайди. Саховатпеша инсон кам таъминланган оилалар, уруш фахрийлари, байналмилалчи жангчилар ва уларнинг оилаларига баҳоли қудрат кўмаклашди. Қанчадан-қанча меҳнаткашларнинг саломатлигини мустаҳкамлашига ҳисса қўшди.

Бир куни фермага бораётиб, сумка кўтарган болалар ҳали қумсувоқ ҳам қилинмаган бинога кириб кетишаётганлигига кўзи тушди. Маълум бўлишича, синфхона етишмаётганлиги боис улар вақтинчалик эски бинода ўқишга мажбур бўлишаётган экан. Ўша куниёқ фермер хўжалиги аъзолари билан фикрлашиб, «Хитоян» маҳалласида янги мактаб қуришга жазм этди. Ташаббус туман ҳокимлиги ва маҳалла аҳли томонидан қўллаб-қувватланди. Ҳаш-паш дегунча янги қўш қаватли мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ота-оналар, болаларнинг қувончини ўшанда бир кўрсангиз эди. Шу баҳона бўлиб ташаббускор фермер ҳар йили илм маскани биносини таъмирлаш учун маблағ ажратиб келмоқда.

Деновликлар тадбиркор халқ. Хонадонларига кирсангиз бамисоли бир жаннат дейсиз. Турли хил мевали дарахтлар, анвойи гуллар баҳри дилингизни очади. Аҳмат Нарзуллоев қадрдони Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев билан фикрлашиб, спорт зали қуриш ҳақида гап очди. Ўйлаб қараса, бунинг учун имконияти бор. Яхшиларни ёнига олиб, қисқа вақт ичида ажойиб спорт залини қишлоқ болаларига совға сифатида топширди. Ҳозирда катаю, кичик бўш вақтини шу ерда ўтказадиган бўлди. Вақт ўтиши билан эса кураш ва бокс сирларини ўрганувчилар сони кўпайди.

Инсоннинг бир омади келса Яратган кам қилмас экан. «Лочин» фермер хўжалиги иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиб олди. Шу боис унинг сардори қишлоқ врачлик пункти қуришни ният қилиб, бор имкониятини ишга солди. Натижада Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги нишонланадиган йилда шифо маскани фойдаланишга топширилди.

Бир вақтлар бу ерларда экин битмайди, деб унинг шаштини қайтарганлар уялиб қолишди. Жорий йилда А.Нарзуллоев бошлиқ фермер хўжалиги аъзолари ғалла ҳосилдорлигини гектарига 110 центнерга етказишга муваффақ бўлдилар. 180 нафар ишчи-хизматчи ҳам пахтадан юқори ҳосил олиш учун дақиқалар қадрига етиб, тинмай меҳнат қилишмоқда.

Элим деб, юртим деб фидокорона меҳнат қилган, янги-янги ташаббуслар билан майдонга чиққан мард ўғлонларни Ватан юксак даражада эъзозлайди. Буни фермер Аҳмат полвон Нарзуллоев мисолида ҳам кўриш мумкин. Куни кеча Президент Фармонига биноан унга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, «Олтин Юлдуз» медалига сазовор бўлганлиги бунинг яққол исботидир. Ватаннинг юксак мукофоти барча деновликларни улуғ ишларга даъват этмоқда.

Рустам ДАВЛАТ,
Давур ТУРОН,
«Ишонч» мухбирлари

БИЗ ҲАМ БИР ЁНДАН

Мустақиллик йилларида агросаноат мажмуи ходимлари Фарғона вилоят қўмитаси Президенти Фармонлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг III қурултойи қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида хайрли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, вилоят қўмитаси мутахассислари томонидан касаба уюшма фаолларининг кенг доирасига, иш берувчиларга мўлжалланган меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тўплами чоп этилди. Мазкур тўпламда мулкчилик шакли ўзгариши муносабати билан фермер хўжаликларида касаба уюшма ташкилотини ташкил этишга оид турли меъёрий ҳужжатлар ўз мужассамини топган.

Бундан ташқари, касаба уюшма аъзоларининг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги даъвогарлик ҳиссини тўлароқ шакллантириш мақсадида вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда қонунчиликнинг 13 та йўналиши бўйича услубий қўлланмалар тайёрланиб, барча бошланғич ташкилотларга етказилди. Мазкур тўпламдан «Иш ҳақини ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назорати», «Фермерликни қўллаб-қувватлашнинг аҳволи устидан назорат», «Меҳнат шароитини яхшилаш. Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назорати» каби мақолалар ўрин олган.

Маълумки, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари молиявий фаолиятини ташкил этишда касаба уюшма аъзолик бадаллари тушумининг ўзи кифоя қилмайди. Чунки турли учрашувлар, спорт мусобақалари ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларни кўнгилдагидек ўтказиш учун энг аввало маблағ зарур. Бизда айнан шу муаммо ҳам жамоа шартномалари орқали ижобий ҳал этилмоқда. Иш берувчилар билан музокаралар кутилган самарани беряпти. Чунки маданий-маърифий, спорт соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш учун зарур маблағлар ажратиш жамоа шартномалари ва битимларга махсус бандлар сифатида киритилди. Бунинг натижасида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ҳисобига 1997 йили 1 миллион 117 минг сўм маблағ ўтказилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2002 йил якунига кўра 65 миллион 328 минг сўмни ташкил этди.

Бу иш айниқса, «Қўқондон» корхонасида кўнгилдагидек амалга оширилди. Бу ерда иш берувчи ҳисобидан ўтказилган маблағ ҳажми ўтган йили 4,5 миллион сўм бўлди. Мазкур маблағнинг кўп қисми спортни ривожлантиришга сарфланди. Натижада корхона спортчилари турли мусобақаларда нуфузли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлмоқдалар.

Маълумки, аграр соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларда фермерлик ҳаракати алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 6797 та фермер хўжалигида 48 мингдан зиёд касаба уюшма аъзоси меҳнат қилмоқда. Биз уларга намунали хизмат кўрсатиш учун иш услубимизга анчагина ўзгартиришлар киритдик.

Республикамизда туб ислоҳотлар рўй бераётган бир пайтда бу жараёнга касаба уюшма ташкилотлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари, мавқеларини кўтаришлари зарур. Шу боис ҳар бир туман ва шаҳарда ойига бир марта «Бошланғич ташкилотлар куни»ни ўтказишга ҳаракат қиляпмиз. Бундан асосий мақсад илғор иш тажрибаларини кенг оммалаштиришдир. Натижада «Ички нафақа», «Етти ойдан ҳақ тўланадиган ҳомиладорлик таътили бериш», «Ёзнинг энг иссиқ ва қишнинг энг совуқ кунларида ишлаганларга устама ҳақ тўлаш» каби эзгу ишлар рўёбга чиқа бошлади.

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида яхшигина натижаларга эришдик. Ўтган йил давомида 2177 нафар меҳнаткаш турли сиҳатгоҳларда дам олиб, ўз саломатликларини тиклашди. Йўлланмалар баҳосининг асосий қисми иш берувчилар маблағи ҳисобидан бўлди. Шунингдек, ўтган йилги ёзги мавсумда меҳнаткашларнинг 13812 нафар фарзанди оромгоҳларда соғломлаштирилди. Бунинг учун кетган харажатнинг 56 фоизи ёки 150 миллион сўм иш берувчилар ҳисобидан қопланди.

Спорт меҳнаткашлар маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ҳамда иш берувчилар спортни кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳар йили корхона ташкилот ҳамда туман, шаҳар, вилоят даражасида ўтказилаётган спорт тадбирларида 50 минг нафарга яқин меҳнаткаш фаол қатнашмоқда. Спорт тадбирларини молиялаштириш масаласи тармоқ касаба уюшмалари вилоят қўмитасининг ҳамда вилоят даражасидаги бошқарма, бирлашмалар билан тузилган битимларда ўз аксини топган. Бунинг натижасида тармоғимизда етук спортчилар етишиб чиқмоқда. Масалан, оддийгина қишлоқ спорт мактаби тарбияланувчиси Азизбек Раҳмонов Боку шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида иштирок этиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Биз - касаба уюшма фаоллари бундан буён ҳам қатъиятлик кўрсатиб, жонажон мамлакатимизнинг юксалишига муносиб ҳиссамизни қўшишга астойдил интилаверамиз.

Саидаҳмад АҲМАДҚУЛОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Фарғона вилоят қўмитаси раиси

«ГУЛИСТОН» - БЕШИНЧИ БОЗОР

Истиклолнинг 12 йиллик байрами арафасида Навоий шаҳрида шаркона усулда қурилган яна бир бозор ишга туширилди.

«Гулистон» бозорида элликдан зиёд савдо дўкони, ошхона, чойхона ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқлари, маъмурий бино, лаборатория, тарозихона мавжуд. Уч юздан зиёд савдо растасида вилоят далаларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилмоқда. Шундай қилиб, «Гулистон» - шаҳардаги бешинчи бозор бўлди.

ҚИПЧОҚСУВГА ҲАМ ГАЗ КЕЛДИ

Галлаорол туманининг «Қипчоқсув» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Тошбулоқ, Довул қишлоқларига газ келиб, тўрт юздан зиёд хонадон бекаларининг хурсандлиги янада ошди.

Истиқлол байрами арафасида Т.Худоёров номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидаги Бойларовул, Олмасувон қишлоқларида ҳам газ ёнди. Шу билан туман қишлоқлари 80 фоиз газлаштирилди. Обод маҳалла йилида вилоятдаги яна ўнта қишлоққа табиий газ, тўққиз қишлоққа тоза ичимлик суви келтирилди.

«САЛОМАТЛИК» ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган «Саломатлик» лойиҳасига мувофиқ, Қорақалпоғистондаги шифо масканлари ўн еттита тез тиббий ёрдам кўрсатиш машинаси билан таъминланди.

Замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган ушбу машиналарнинг иккитаси шаҳар, қолганлари эса туман шифохоналарига берилди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган мазкур лойиҳанинг иккинчи босқичида барча шифохоналардаги клиник биохимлабораторияларни қайта таъмирлаш ва зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилган. Бу ишлар шу йилнинг октябрь ойигача амалга оширилади.

360 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Киргули туманидаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида аммиак селитраси ишлаб чиқариш цехи ишга тушди.

57 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб этилган тармоққа Чехиянинг «МБНС» фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Бу эса йилига 450 минг тонна селитра ва 360 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқариш имконини беради.

Янги ишлаб чиқариш қуввати Фарғона водийси вилоятларида минерал ўғит таъминоти борасидаги муаммоларга чек қўяди. Айни пайтда 360 киши ишли ҳам бўлди.

(ЎзА)

ЯНГИ СПОРТ КОМПЛЕКСИ

Яқинда Дўстлик туманининг Х.Исроилов номидаги ширкат хўжалиги марказида спорт комплекси қуриб битказилди. Унда стадион, теннис корти, волейбол, баскетбол майдонлари, югуриш йўлаги, бассейн мавжуд.

2005 йилда вилоятда спорт иншоотлари сони 2 минг 222 тага етиши лозим. Дўстликда қурилган спорт комплекси ана шуларнинг бири бўлди. Бугун вилоятдаги спорт иншоотлари сони икки мингдан ошди. Бу ишнинг яна бир муҳим жиҳати спорти иншоотларнинг асосий қисми қишлоқларда қурилаётганидир. Бугунги кунда уларнинг 1 минг 800 таси қишлоқлар ҳиссасига тўғри келади.

* * *

Тўрткўл туманидаги «Қумбосқан» овулида мустақиллик байрами арафасида «Агресс» замонавий газ тақсимлаш тармоғи фойдаланишга топширилди.

«Урганчгазтранс» акционерлик жамияти бунёдкорлари бу ерда бир кеча-кундузда 360 минг кубометргача газни ўрта ва юқори босимда етказиб берувчи иншоотни барпо этди. У 40 мингдан ортиқ хонадонни узлуксиз газ билан таъминлаш қувватига эга.



Шу азиз Ватан - барчамизники

ҚАДРДОНЛАР

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасидан)

Катта дошқозонда дамланган андижонча паловнинг хушбўй ҳиди иштаҳани қитиқлайди. Яна бирида қозоқча бешбармоқ пиширилаяпти. Кўчқор гўштидан қирғизча шўрва биқиллаб қайнаяпти. Кенг сайхонликда оппоқ ўтовлар тикилган. Ёшу қари, теварак-атроф байрам либосида. Дилни ром этувчи куй-қўшиқлар янграмоқда.

- Тинчлик ва осойишталикка нима етсин, - дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муҳаббат Саксонбоева. - Тотувлик ва бирдамлик - оила баракаси. Мустақиллик туфайли миллатлар ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустаҳкамланди.

Қуёш оламни, дўстлик қалбни иситади, дейдилар. Жалолқудуқ туманидаги Абдуллабей номли фуқаролар йиғини ҳудудида 14 мингга яқин фуқаро яшайди. Аҳолининг асосий қисмини қирғиз, қозоқ, ўзбек ва бошқа миллат вакиллари ташкил этади. Ўзбекистонда туғилиб, камолга етаётган қардош халқларнинг вакиллари умр бўйи бир ариқдан сув ичиб, дастурхондан нон-туз тотиб ягона оиладек аҳил ва иноқ яшаб келмоқдалар. Қадрдон даласини эъзозлаб, тўкинчилик яратаётган она замин соҳиблари бир-бири билан азалдан дўсту қадрдон, қуда-анда.

Қирғиз аёли Муҳаббат Саксонбоева раҳбарлик қилиб келаётган фуқаролар йиғини ҳудудида Нуриддин Исанов номли ва «Дўстлик» ширкат хўжаликлари жойлашган. Иқтисодий ислоҳотлар туфайли оилалар фаровонлиги ошиб, тўй-томошалар кўпаймоқда. Хонадонларда қут-барака, кўнгилларда бахтиёрлик шукуҳи. Аҳолига 3 та қишлоқ врачлик пункти, 6 та мактаб, 3 та кутубхона, ўнлаб савдо дўконлари, почта-алоқа бўлими, сартарошхона, кўплаб маданий-маиший шохобчалар хизмат кўрсатаяпти.

Нуриддин Исанов номли ширкат хўжалигининг аҳил ва ҳамжиҳат жамоаси қувончли ютуқларни қўлга киритаяпти. Ҳамкорликда қилинган меҳнат барака келтирмоқда. Мавжуд 1288 гектар ерда деҳқончилик қилиниб, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштирилади. Ўтган йил пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 41 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги 77 центнерга етказилди. Дончиликдан 400 миллион сўм, пахтачиликдан 345 миллион сўм даромад олинди.

Фидойи меҳнати билан элда обрў-эътибор қозонган деҳқонлар кўп. 5-ширкатнинг бош пудратчиси Юлдузхон Деҳқонова ҳар гектар майдондан 50 центнердан, 8-ширкатнинг оила пудрат бошлиғи, деҳқончиликда қирқ йиллик тажрибага эга бўлган Мўмин Матиев эса 47 центнердан хирмон кўтариб, ялпи даромадни 19 миллион сўмга етказдилар.

Фуқароларнинг турмуш тарзи ўзгариб бормоқда. Ишчиларга 87 тоннадан зиёд буғдой тарқатилди. 23 нафар ёрдамга муҳтож қарияларга 250 минг сўмлик маҳсулот берилди. Хўжаликда ишлаб, икки ёшгача боласини тарбиялаётган 81 нафар аёлга 5 миллион 389 минг, кам даромадли оилаларга қарийб бир миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қишлоқ инфратузилмаси яхшиланиб, қурилиш ва ободончилик ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Германиянинг «Сименс» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган 7 миллион 53 минг сўмлик ускуналар келтирилиб ўрнатилди ва аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Қишлоқларни газлаштириш давом этмоқда.

Қадимий Турон заминда халқларимиз азалдан бир-бирига меҳр-оқибатли. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «...Буюк Ипак Йўлидан қатнаган карвонларни эсланг. Буни ўзбек ҳам, қирғиз ҳам, қозоқ ҳам, туркман ҳам унутмаслиги керак. Минг йиллар давомида бирга бўлиб келган бу халқларнинг келажаги ҳам бирга яратилиши заруриятдир».

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

«Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси Навоий кон-металлургия комбинатининг тўнғич корхоналаридан бири. Бирлашмада уч минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Бу ерда йилига 12-13 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Завод Навоий конметаллургия комбинати экскаватор ва бошқа техникасига хизмат кўрсатиш билан бирга мамлакатимиздаги корхоналарга ҳам эҳтиёт қисмлар етказиб беради.

Истиқлол байрами арафасида корхона қуввати янада оширилиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Шу кунгача бу ерда беш турдаги дастгоҳ тайёрланган бўлса, байрам арафасида улар сони олтитага етди. Яъни, металл кесадиган универсал дастгоҳларнинг янги ва ихчам тури ишлаб чиқарила бошлади.

Айни пайтда корхонада касб-ҳунар коллежларининг ишлаб чиқариш устахоналари учун металл кесувчи ва ёғочни қайта ишлайдиган станоклар тайёрланмоқда. Дастлабки дастгоҳлар Зарафшон ва Навоий шаҳар касб-ҳунар коллежларига етказиб берилди.

(ЎзА)

ЗАМОНАВИЙ ИМОРАТЛАР

бизнинг кимлигимизни кўрсатиб турибди

Бизнинг кимлигимизни англамоқчи бўлсанг, курган биноларимизга назар ташла. Дарҳакиқат, асрлар оша миллатимиз ўзини, ўзлигини англатишга интилиб келди. Юрт мустақиллигидан сўнг юртпарварлик, бунёдкорлик юксак чўққига кўтарилди. Шаҳару қишлоқларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараён Гулистонни ҳам четлаб ўтмади. Шаҳар кейинги 5-6 йилда таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бунёдкорлик бир зум ҳам сусайгани йўқ.

Юрт кўрки, жамолию камолидан қувонмайдиган зот бўлмаса керак. Мирзачўлликлар ҳам кейинги йилларда бу борада жиддий қадамларни қўя билди. Негаки, қўриқнинг бош кенти Гулистон йиртиқ-ямоқлардан ҳоли, ўзига хос ҳусни-тароватга эга гўзал шаҳарга айланди. Кенг, равон кўчалар, сўлим хиёбонлар, муҳташам иншоотлар узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди. Шаҳар истироҳат боғи том маънода яшарди. Бу ердан йил ўн икки ой болажонлар қадами узилмайди. Эртаклар оламига саёҳат, ҳар бир мурғак қалб тасаввурини бойитишга, хайрату завқини оширишга хизмат қилаяпти. Шаҳарга гулдан либос кийдириш, орасталигини ошириш бир зум ҳам сусайгани йўқ. Чўлқуварлар юртимиз мустақиллигининг 12 йиллигини том маънода қайта бунёд этилган бош майдонда нишонлаш шарафига мушарраф бўлдилар.

Бу ер вилоят аҳлининг севимли гўшаси. Байраму тантаналарда инсонларнинг гуррос оқими ана шу майдон орқали ўтади. Ҳар ким бир зум тин олиб, теварак-атроф мафтункорлигига назар ташлаши табиий. Майдондан гоҳ кўнгил бўлиб, гоҳо тўлмаган чоғлари кўп бўлган. Киши қалбини фахр-ғурурга тўлдирувчи майдонга эҳтиёж туғилган бўлса не ажаб. Нима бўлганда ҳам сирдарёликлар ана шундай фирдавсмонанд маконга эга бўлишди. Бунёдкорлик ишлари Гулистон шаҳар коммунал маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси буюртмаси асосида амалга оширилди. Масъулиятли юмушни шаҳар қурилиш-таъмирлаш бошқармаси қурувчилари адо этишди.

Шаҳар ободлиги, файзу таровати учун қатор ташкилотлар ўз ҳиссаларини қўшишаяпти. Бош майдонда ҳам улар кўмагида ўта қисқа фурсатларда юз миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Улкан қурилишда «Гулистонёғэкстракт» ҳиссадорлик жамияти вилоят бозорлари, вилоят магистрал электр тармоқлари корхонаси, нефт маҳсулотлари корхонаси, «Сирдарёавтойўл» бирлашмаси каби ўнлаб ташкилотлар хайрли юмушдан четда қолмадилар. Майдондаги 5200 квадрат метр йўлакларга сайқалланган тош ётқизилиб, 1700 квадрат метр майдон асфалтланди. Нозик дид, меъморчиликнинг сўнгги андозалари асосида ўрнатилган фавворалар ҳавони мўътадиллаштириш билан бирга кишида завқ ҳам уйғота олади.

– Бу ердан ҳар куни ишга келамиз. Унинг бугунги гўзаллиги беқиёс. Киши кайфиятига ўзгача таъсир кўрсатадиган бўлиб қолди, - дейди Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бўлим мудири Раҳматулла Султонов. – Ҳаммасидан ҳам майдон ёнидаги Сайхун кўчасининг кенгайтирилиши, темирйўл вокзалидан Дўстлик канали қирғоқларигача қўш қатновли йўл барпо этилгани нафақат вилоятимиз аҳли, балки меҳмонларга ҳам катта қулайликлар туғдирди.

Бунёдкорлик шаҳарнинг маҳалла қисмида ҳам авж олганди. Бугун сўнгги ишларга нуқта қўйилаётган болалар спорти мажмуасини кўздан кечирдик. «Сирдарёавтойўл» бирлашмаси саъй-ҳаракати билан маҳалла болалари бу кошонага эга бўлдилар. Ёдимиздa яқинда бирлашма раҳбари Назиржон Шосаидов вилоят миқёсидаги катта йиғинда маҳалла болаларининг спорт мажмуасига эҳтиёж сезаётганини бу ишни йўлсозлар гарданига олиши мумкинлигини айтганди. Кўпчилик қуруқ гапда, деб қўя қолишганди ҳам. Аммо йўлсозлар сўз ва иш бирлигини амалда исботлашди. Спорт мажмуасини барпо этиш кечасию кундузи давом эттирилди.

– Маҳалламиз болаларининг қувончи чексиз, - дейди спорт усталигига номзод Рустам Эргашев. – Орзу ушалди. Яширмайман ёшлар гоҳ-гоҳо кўча-куйда ҳам тўп суриб қолишарди. Энди уларнинг севимли маскани бор.

Маҳалла Гулистоннинг пойдевори. Шаҳарнинг илк аҳолиси ана шу жойдан қўним топиб, чўл очган. Йиллар ўтди. Аммо бу ҳудуд ўзгаришлардан ҳолилигича қолди. Ниҳоят муз кўчди.Янги бозор, спорт мажмуи... аста-секин илгарилаш бор. Қувончлиси ҳам шу.

Одатда мучал тўйлари қувончли, шукуҳли саналади. Юртимизнинг ана шу шодиёнасини сирдарёликлар ҳам бунёдкорлик фазилатлари жўш урган ҳолда қарши олмоқдалар.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА СОВҒА

Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан "Тоза сув йили" деб эълон қилинган йилда Ромитан туманида қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

- Ушбу ҳаракат туфайли ўндан ортиқ қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди, - деди қишлоқ фуқаролари йиғини раиси Н.Норов. Эндиликда Тарновут, Назаробод, Мусича, Баҳрин, Юқори миришкор, Пайшанба, Боғча, Сариосиё, Урганжи, Қаҳрамон каби қишлоқларга тўртта сув иншоотидан тоза ичимлик суви етказиб берилади.

Бошқа қишлоқ фуқаролари йиғинларида ҳам бу борада хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда туман аҳолисининг 70 фоизини тоза ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

ФАРЗАНД ҚУВОНЧИ

Мустақилликнинг ўн икки йиллик шодиёналари арафасида Наманган шаҳридаги 1- сонли туғруқхона тубдан таъмирланди. Вилоятдаги хусусий фирмалар, йирик саноат ва савдо корхоналари ҳомийлигида таъмирланган 150 ўринли туғриқхона биноси бутунлай янги қиёфа касб этди.

Туғриқхонани таъмирлашга жами 500 миллион сўм маблағ сарфланиб, 28 миллион сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, тиббиёт ускуналари келтирилди.

Мазкур даргоҳда дунёга келган биринчи чақалоқнинг онаси Нигорахон Дадажоновага вилоят ҳокимлиги томонидан болалар аравачаси совға қилди.

"Туркистон-пресс"

Истиқлол ва истиқбол

ЭГАСИ БОР ЮРТНИНГ ЭРТАСИ БОР

...«Оқ олтинни олтин қўллар яратади» – шиоромуз бу сўзлар ўша кезларда халқимизни не балоларга гирифтор қилмади. Пахтани деҳқон не машаққатлар билан етиштирарди-ю, аммо унинг эгаси бошқа эди. Хайриятки, ҳаммаси ортда қолди.

Мустақиллик берган эпкинлар туфайли соҳада мислсиз ўзгаришлар рўй берди. Энг аввало, пахтанинг навлари янгиланди. Илғор технологиялар жорий этилди. Деҳқонга эрк, ерга эгалик ҳиссини туйишга имкон бериши қаторида, ўзи етиштирган маҳсулотини четга чиқаришга йўл очди. Истиқлолнинг неъматларини оддий деҳқон шунинг ўзидан ҳам кўриб турибди.

Ўн икки йилдирки, Бухоро вилоят пахтакорлари ҳам минтақанинг ўзига хос ва мос навларини танлаб экиб кам бўлишмаяпти. Ҳосилдорлик йил сайин ошиб, етиштирилаётган маҳсулот сифати тобора яхшиланмоқда. Асосийси, бу ерда етиштирилган хомашё хорижда юқори баҳоланяпти.

Ҳозирги кунда маҳсулотни қайта ишлаш ва сифатини яхшилаш борасида ҳам кўпгина тажрибалар мавжуд. Вилоятдаги «Пахтасаноат» бирлашмаси таркибида сўнгги йиллар ичида ана шунга ихтисослашган тўққизта завод қайта таъмирланиб, янги ва замон талаблари даражасидаги технологиялар билан бойитилди. Изланишлар ва тармоқдаги тадбиркорликнинг кенг қўлланилганлиги сабабли, ўтган мавсумда 356 минг 651 тонна хомашё қайта ишланиб, шунинг қарийб 97 фоизи хорижга сотилди. Илгари деҳқон ҳам, қайта ишлаш корхоналаридаги ишчилар ҳам асосий меҳнатни бажариб, иш ҳақи ва баъзан мукофот пулини зўрға ололган бўлса, ҳозирги пайтда тизимда меҳнат қилаётган 4 минг 485 нафар ишчининг ўртача ойлик-маоши 45-50 минг сўмданга тўғри келяпти. Бундан ташқари, мавжуд корхоналардаги меҳнат аҳлининг барчаси ҳам акциядор – мулк эгаси. Йил якунида ҳар дона акцияси учун мўмайгина даромадли ҳам бўлишмоқда.

Фақат шу эмас. Эндиликда юртимиз миришкорлари қаторида бухоролик деҳқонларни хорижликлар, уларни эса бухороликлар яхши билишади. Истиқболли ҳамкорлик ришталари ўзаро боғланган. Қуйидаги мисол фикримизга янада ойдинлик киритиши шубҳасиз. Италия, АҚШ, Канада, Швеция, Сингапур, Корея, Англия, Гонконг, Франция, Германия ва Россия давлатларида шу соҳа билан шуғулланаётган мутахассислар олаётган толаси Бухоро заминидан эканлигини яхши англашади.

Яна бир шунга дахлдор фикр: мутахассисларнинг айтишларига қараганда, жаҳон бозорида Бухоро толаси ранги, узунлиги ва бошқа кўплаб жиҳатлари билан олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келаётган экан.

Бунинг боиси, ҳали таъкидлаганимиздек, мустақиллик йилларида сифатли тола етиштиришнинг истиқболларини излашга катта аҳамият берилди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, мутахассислар ва олимлар изланишига таянилганлик деҳқон умид қилган натижани берди. Айни пайтда заминга қадалаётган «Бухоро-6» (муаллифи М.Баталов) нави нафақат серҳосиллиги, балки иссиққа чидамлилиги, тола сифатининг юқорилиги билан ажралиб туради. Шу боис бўлса керак, ана шу нав биринчи гурухга киритилиб, унинг хомашёсига бир неча йилдан буён ўн фоиз қўшимча ҳақ тўлаб келинмоқда.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп, дейишлари бежиз эмас. Вилоят «Пахтасаноат» тармоғи хориж сармоядорлари билан ўзаро шартномалар асосида ишлаб чиқариш корхоналарини янгилаб боряпти. Эскирган технологиялар ўрнини янгиси, яроқсиз ҳолга келиб қолган ускуналар замонавийси билан таъминланди. Ана шу тадбиркорлик ҳисобига кўплаб ишчи ўринлар, кичик корхоналар ташкил этилди. Хусусан, Бухоро туманидаги завод қошида Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ бу ерда ишлаб чиқарилаётган телефон аппаратлари ва бошқа маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки қўшни давлатларда ҳам аллақачон ўз харидорини топди.

Ёки корхоналар қошида ташкил топган иккита цехда 70 нафар киши доимий иш билан таъминланди. Цехда – корхоналарга нотўқима материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги боис, илгари Хоразм, Андижон ва Наманган вилоятларидан келтириладиган ана шу маҳсулот энди шу жойнинг ўзида бажарилянпти. Бундан миллионлаб сўмни тежашга имкон туғилди. Цехларда ҳар ойда 250 минг метр тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Умуман завод қошида кичик корхоналар бунёд этилганлиги нафақат янги иш ўринларини яратди, балки ўзини-ўзи бошқариш ва маблағ билан таъминлашга ҳам йўл очди. Айтайлик, мавжуд заводларнинг барчасида бир неча йилдан буён тикувчилик цехлари ишлаб келяпти. Асосан,ишчилар учун коржомалар ва пахтакорларга фартуклар ана шу жойларда тайёрланади. Ўтган йилги сарҳисоблар вилоятлар миқёсида таҳлил этилганда, цехларда тайёрланган халқ истеъмоли моллари ўзидан тармоқ 468 миллион сўмдан ортиқроқ соф даромад кўрилганлиги аниқланди.

Бу – тармоқни ривожлантириш қаторида меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоялашга, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳам шароит яратди. Чунончи, жорий йил ҳисобидан 80 нафардан ортиқ киши республикамиздаги санаторий-профилакторийларда дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтишди. Шунингдек, меҳнат таътилига чиққан 290 нафар ишчининг ҳар бирига жамоа шартномасига кўра бир ойлик миқдорида моддий ёрдам пули ажратилди. Барча заводлардаги меҳнаткашларга кунига уч маҳал иссиқ овқат бепул берилиши жорий этилган. Ишчиларнинг тўй ва маъракаларида ҳам моддий ёрдам кўрсатилади. Тармоқ қошида фаолият кўрсатаётган болалар оромгоҳида мавсум давомида 450 нафар болакайлар вилоят «Пахтасаноат» бирлашмаси ҳисобидан текин дам олишади. Ваҳоланки, ҳаётини ва меҳнат фаолиятини ана шу тизим билан боғлаган кўплаб ишчиларнинг фикрича, илгари бундай имтиёзлар фақат маълумот учун қабул қилинган. Уларнинг бирортасидан оддий ишчи манфаат кўрмаган.

Иқтисодий ислоҳотлар тармоқдагилар олдида масъулиятли ишларни рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда. Шу боисдан Ромитан туманидаги «Оқ олтин» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти меҳнат аҳли амалга ошираётган ишлар билан ҳам қизиқдик. Корхона 45 минг тонна хомашёни қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, Франция, Италия ва Жанубий Корея давлатлари билан ҳамкорлик қилиб келади.

Бу ерда ҳам мулк шакли ўзгаргач, эгалик ҳисси янада ортди. Айниқса, бу даврга келиб, соҳада тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга эътибор кучайди. Заводда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариляпти. Бундан ташқари, тиббиётга зарур вата маҳсулотини тайёрлаш йўлга қўйилган. Бир неча мавсумдан буён туман деҳқонлари, фермерлар ва қўшни туманлар ана шу заводда туксизлантирилган уруғликни шартнома асосида олиб, кам бўлишмаяпти.

Эгаси бор юртнинг эртаси бордир, деганида ҳофиз ҳақ гапни топиб айтганди. Мустақиллик берган имкониятлар чексиз эканлигини Ромитандаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти жамоаси қилаётган ишлардан ҳам англаб олиш мумкин. Ваҳоланки, бир вақтлар бу жойда ишловчилар тадбиркорлик ва ўзаро ҳамкорлик тугул фақат пахтани тозалашдан ўзга ҳеч нарсадан бехабар эдилар. Туман аҳли етиштирган маҳсулотнинг асосий қисми ўз ёрлиқлари билан четга чиқаётган бўлса, бир қисми эса шу жойнинг ўзида қайта ишланиб, истеъмолчига тайёр маҳсулот қилиб берилмоқда. Энг муҳими, корхонанинг истиқболи бор. Чунончи, яқинда пахта чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича Германия давлати билан истиқболли шартнома тузилди. Шунингдек, чанғаноқни янчиб, қурилишбоп маҳсулот –яъни ДВП тайёрлашга киришилади.

Шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо гап фақат бунда эмас. Асосийси, меҳнат аҳли шуурида юртга садоқат, меҳнатга, мулкка ва ишлаб чиқаришга муносабатнинг ўзгараётганида. Номоз Раҳмонов, Олия Ҳотамова, Баҳриддин Саидов, Ашур Файзуллаев, Маҳсума Ҳайитова каби ишчилар билан қилган суҳбатимиз жараёнида бир нарса аён бўлди. Улар корхонадаги ҳар бир нарсага ўз мулким деб қарайди, бугун бажарган ишидан мамнунлик ва эртанги кундан умидлари катта эканлигини англаш қийин эмас.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири



Ўрта Чирчиқ туманидаги «Тонг» ҳиссадорлик жамиятининг тикувчилик цехида айни пайтда 80 нафар ёшлар меҳнат қилишмоқда. Иноқ жамоа Россиядан келтирилган тикув машиналарида турли хил маҳсулотлар тикишмоқда. Сидқидилдан қилинган меҳнат, албатта, ўз самарасини беради. Шу боисдан аҳил жамоа аъзолари жорий йилнинг 6 ойлик режасини ошириб бажаришди.

Суратда: тикувчилик цехининг устаси Иноят Матназарова илғор ишчи Мавжуда Бекназарова.

ТАДБИРКОР КЎМАГИ

Бухоро шаҳри Ф.Хўжаев номидаги туманнинг «Ҳавзи нав Файзулло» маҳалла фуқаролар йиғинида ажойиб тўй ўтказилди. Кам таъминланган оилалар – Амир Фаттоев ва Фаёз Ҳаётовларнинг фарзандлари хатна тўйи қилинди.

Шунингдек, ўша куни маҳалланинг олти нафар фахрийси ҳам ўша таваллуд айёмларини нишонлашди. Тўй маросими катта хурсандчилик билан ўтди. Болалар жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари А. Музаффаров эса тўйболаларга совғалар топширди. Асосийси, тўйни ўтказишга маҳаллий тадбиркорлар бош-қош бўлишди.

«Туркистон-пресс»

МУСАФФО ТОНГЛАР

Марҳамат туманида 125 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси, янги иш ўринлари яратиш, даромадларни ошириш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ҳокимликнинг диққат-марказида турибди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш илгариги йилга нисбатан 166,9 фоизга ўсди.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми ортиб бораяпти. Ўтган йили 1 миллиард 529 миллион 100 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Жон бошига ҳисоблаганда, олдинги йилга қараганда 1900 сўмлик кўп хизмат кўрсатилди. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Эркинжон Мажидов билан суҳбатимиз ҳам мустақиллик йилларида туман эришган ютуқлар хусусида борди.

- Илгарилари туманимизда биттагина гузар ишларди. Бозорлар кўнгилдагидек эмасди. Бугунги деҳқон ва буюм бозорига ҳавас қиласиз. Усти очиқ ва ёпиқ расталарда жондан бошқа ҳамма нарса муҳайё.

Марҳамат–Андижон йўналишидаги йўлимизда шалоғи чиққан автобуслар қатнар, доим йўловчилар билан тирбанд бўларди. Манзилга етгунча чанг-тўзондан тегирмончи ҳолига тушардик. Эндиликда тахти-равон трассада «Дамас», «Тико» русумли енгил машиналар ўқдек учади. Бир чойнак чой бўшагунча Андижонда турасиз. Шоҳбекатдан республикамизнинг истаган шаҳрига янги йўналишлар очилган.

Ўтган йили қишлоқ хўжалигида бурноғи йилга нисбатан 9 миллиард 79 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бошоқли дон етиштиришда Марҳамат тумани мамлакатда олдинги ўринларда туради. Жорий йилда бу борадаги ютуқ салмоқли бўлди.

Давлат ва аҳоли маблағлари ҳисобига 30 минг квадрат метрдан кўпроқ турар-жой бинолари тикланиб, ҳовли тўйлари ўтказилди. Буни Марҳамат шаҳри бўйига ва энига кенгайганидан ҳам билиш мумкин. Мадумар Тожибоев номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги шаҳар билан туташган майдонларни олдинги ҳолатини эслайлик.

Ёзда чанг осмонга кўтарилар, кузакда ёғингарчиликдан уловлар йўлларда тиқилиб қоларди. Бугун ўртадан равон йўл кесиб ўтган. Йўл ёқасидаги халқ банки биноси, бири-биридан кўркам турар жойларга ҳавасингиз келади. Бир эмас, 3 та касб-ҳунар коллежи бинолари савлат тўкиб турибди.

Бугунги кунда «Ўқчи» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятининг маҳсулотларини 10 га яқин хориж мамлакатлар харид қилмоқда. Марҳамат ип йигирув, Полвонтош пойафзал, электр жиҳозлари ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳсулотларига европалик ишбилармонлардан буюртмалар келиб турибди. Ишлаб топилган валюта маблағлари ҳисобига янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот турини кўпайтириш имкониятлари яратилди.

Халқ турмуши даражаси, мустақиллик йилларида юксалди. Буни соғлиқни сақлаш тизими мисолида яққол кўриш мумкин. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига 106 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари бажарилиб, 2 та қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. 3 та амбулаториялар қайта таъмирланиб, қишлоқ врачлик пунктларига айлантирилди.

Қишлоқларга тортилган табиий газ, тоза ичимлик сув қувурлари орқали хонадонларга файз кирди.

Туман агросаноат мажмуи тармоқ касабақўми билан ҳокимлик ўртасида имзоланган шартномада аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини мустаҳкамлаш учун алоҳида бандлар киритилган. Байрамларда ҳоким Козимжон Мадраҳимов бошлиқ гуруҳ маҳалла ва қишлоқларни айланиб, кам таъминланган оилаларни, боқувчисини йўқотган хонадонларни, қарияларни совға-саломлар билан йўқлашни одат қилган. Ўтган йили кам таъминланган фуқароларга 21 миллион 618 минг сўм моддий ёрдам ва нафақа пуллари берилди. 26 нафар ногиронга ижтимоий таъминот тизими, ҳомий ташкилотлар кўмагида бепул аравачалар совға қилинди. 217 нафар уруш қатнашчиси 50 фоиз арзонлаштирилган нархда кўмир билан таъминланди.

Суҳбатдош:
Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЮЗ ЯНГИ ИНШООТ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12-йилида Қашқадарё вилоятида юзга яқин ижтимоий, маданий-маиший иншоот фойдаланишга топширилди.

Жумладан, ўн иккита касб-ҳунар коллежи, ўн учта мактаб қуриб битказилди. Улар янги ўқув йилида ўқувчиларни ўз бағрига олади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фойдаланишга топширилаётган иншоотлар ичида хусусий тадбиркорлар маблағи ҳисобига бунёд этилган бинолар анчагина. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ўн тўққизта савдо, маиший хизмат нуқтаси, олтита автомобилларга ёнилғи ва газ қуйиш шохобчаси, бешта чойхона ва ошхона, шунингдек, маҳалла гузарлари, автобекат ва болалар спорти иншоотлари бунёд этилди.

Қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Байрам арафасида 25 километр газ қувури, 16 километрлик сув қувури тортилиб, ишга туширилади.

Шу куни эса Нуристон шаҳридаги 56 хонадонда ҳовли тўйлари бўлади.

(ЎзА)

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Мирзо Улуғбек номли «Ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятида тўрт хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Корхонада минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчи икки навбатда меҳнат қилишмоқда. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхона маҳсулотлари харидорларга манзур бўлаётир.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.
Шоҳрух САРИЕВ олган суратлар

НОЁБ АРХЕОЛОГИК ТОПИЛМАЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейида мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб «Қоратепа - Ўрта Осиёдаги буддавийлик маркази» мавзуида археологик топилмалар кўргазмаси очилди.

- Қоратепа ҳозирги Термиз шаҳрининг шимоли-ғарбида жойлашган манзил,- деди Фанлар академияси Археология институти бўлим бошлиғи Ш.Пидаев ЎзА мухбирига.- Мазкур ибодатхона мажмуи иншоотларнинг ер усти ва ғорларда бунёд этилгани билан ажралиб туради. Бундай ибодатхоналар, асосан, буддавийлик ватани Ҳиндистонда мавжуд. Ушбу топилмалар Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади.

Олимларимиз Қоратепада япон мутахассислари билан ҳамкорликда кенг кўламли тадқиқотлар олиб бораётир. Мана шундай изланишлар натижасида топилган ашёлар ноёб ва мўъжизакорлиги билан кишини ҳайратга солади.

Музейда Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий семинар ҳам бўлиб ўтди. Фанлар академияси томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз ва хорижий давлатлардан келган олимлар, давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Илмий анжуманда мамлакатимизнинг дунё цивилизацияси ривожидаги ўрни, олимларимизнинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшаётган улкан ҳиссаси, озодлик учун олиб борилган курашлар тарихи, халқаро алоқаларга оид мавзуларда маърузалар тингланди.

(ЎзА)

«АВТООЙНА» ИШГА ТУШДИ

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - мустақиллик куни арафасида Фарғона шаҳрида яна бир улкан саноат мажмуаси тўла қувват билан ишлай бошлади. Бу ерда мамлакатимиз автомобилсозлик тармоғи ривожида катта аҳамиятга эга «Автоойна» очиқ ҳиссадорлик жамияти ишга туширилди. Эндиликда мазкур корхона конвейрида тайёрланган сифатли маҳсулотлар Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Дамас», «Тико», «Матиз» русумли автомобиллар учун йилига икки юз минг комплект автомобил ойнаси тайёрлаб беради. Шу пайтгача Асакада тайёрланаётган ойналарнинг асосий қисми Ҳиндистондаги «Асахи глас» ва Жанубий Кореядаги «Ханг глас» корхоналаридан катта сарф-харажатлар ҳисобига олиб келинар эди.

Янги корхона бу борадаги ортиқча чиқимга барҳам берди. Ишлаб чиқариш тармоғи ўзбек автомобилларини зарур ойналар билан таъминлаб қолмасдан, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, янги иш ўринлари яратиш имкониятини беради. Асосан, маҳаллий хомашёда ишлайдиган тармоқ учун зарур ойналарни Қувасойдаги «Кварц» ҳиссадорлик жамияти етказиб беради.

Янги корхонага 19,3 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб этилди. Италиянинг «Национал Деловоро» банки томонидан берилган кредит ҳисобига Швейцария, Финландия, Италия сингари автомобил саноати ривожланган мамлакатлардан замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари сотиб олинди. Бу борада Италиянинг «Текинт» компанияси мутахассислари катта ёрдам берди. Эътиборли томони, корхонада 364 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг бир қисми хориждаги турдош корхоналарда малака ошириб қайтди.

Корхона фақат автомобил ойналарини ишлаб чиқариш билангина чекланиб қолмай, мамлакатимиз мебелчилик тармоғи учун ҳам маҳсулот етказиб беради.

ВАТАН БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАЁТГАНЛАР

ОММАВИЙЛИК

маҳоратга пиллапоя

Жисмоний тарбия ва спорт инсонни нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришувида ҳам улкан омилдир. Зотан, у аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Шу билан бирга Ватан, халқ шухратини дунёга таранним этишда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам спортнинг ўрни беқиёсдир.

Энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланган касаба уюшмалари томонидан республикамизда жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигини таъминлаш бо-

расида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят касаба уюшмалари ташаббуси билан меҳнаткашлар ўртасида турли анъанавий мусобақалар, турнирлар, умумхалқ байрамларига бағишланган беллашувлар доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Бунда соғлиқни сақлаш, таълим ва фан, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати, алоқа ҳамда агросаноат ходимлари касаба уюшма тармоқ қўмиталари фаоллик кўрсатишяпти. Мазкур тармоқлар вакиллари республика мусобақаларида ҳам муваффақиятли қатнашишмоқда. Мисол учун, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари республика тармоқ спартакиадасида футбол бўйича биринчи, шоҳмот бўйича иккинчи, стол теннисидан учинчи, волейбол мусобақаларида тўртинчи ўринни қўлга киритишди. Миллий кураш бўйича ўтказиб келинаётган анъанавий республика турнирининг кетма-кет тўрт бор ғолиблигини қўлга киритган вакилларимиз тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг кўчма кубогини доимий ўзларида қолдиришга эришдилар. Худди шунингдек, агросаноат ҳамда алоқа ходимлари ҳам республика мусобақаларида яхши натижаларга эришдилар.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинадиган бўлса, йилдан-йилга спорт билан шуғулланувчилар сафининг кенгайиб бораётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, биргина жорий йилда жисмоний тарбия жамоалари сони 216 тадан 398 тага етди. Уларда шуғулланувчилар эса 16 минг нафардан ошди. Ташкилот, муассаса ва хўжаликларда тез-тез мусобақалар ўтказиляпти. Бу меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларида спортга қизиқишни кучайтирмоқда.

Истиқлол шарофати билан спортга, жумладан болалар спортига юксак эътибор қаратилмоқда. Республикамизнинг барча жойларида, туман, шаҳар ва қишлоқларда ёшларимиз учун кўплаб замонавий спорт иншоотлари қад ростламоқда. Тизимимизда ҳозирги пайтда 548 та турли спорт иншооти меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари спорт билан шуғулланишлари, маҳоратларини оширишлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда жамиятимиз вилоятдаги турли ташкилотлар, жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда қизғин иш олиб бормоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қарши шаҳар кенгаши билан биргаликда икки йилдан буён жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари режаси ишлаб чиқилиб, амалга ошириляпти. Мазкур режа асосида ўқувчилар, талабалар, ишчи-хизматчилар, ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар ўртасида ўнлаб спорт тадбирлари ўтказилди. Қарши шаҳридаги «Чақар» маҳалласида эса «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда маҳалла қўмитаси билан ҳамкорликда қаровсиз бино таъмирланиб, бокс секцияси ишга туширилди. Ҳозирда бу ерда малакали мураббийларимиз маҳалла ёшларига «чарм қўлқоп» сирларидан сабоқ беришмоқда.

Тасарруфимиздаги учта Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 1800 нафардан зиёд ўқувчилар спортнинг бокс, дзюдо, самбо, кураш, енгил атлетика, футбол каби турлари билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Бу спорт мактабларимизда ўтган йиллар давомида ўнлаб маҳоратли спортчилар камол топди. Масалан, амалдаги йилнинг ўтган даври мобайнида бир нафар спорт устаси, бир нафар усталикка номзод, ўн нафар биринчи ҳамда 522 нафар оммавий тоифадаги спортчилар тайёрланди. Улар орасида Сарвар Ҳусанов, Анвар Файзуллин каби енгил атлетикачиларимиз ютуқларини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Албатта, қўлга киритилаётган ютуқларда ўз ишининг билимдони, фидойи мураббий-мутахассисларимизнинг ҳиссаси катта. Шу ўринда, Абдурахмон Исмоилов, Акбар Зокиров, Рустам Йўлдошев, Ибод Қудратов, Шуҳрат Чориев, Фарҳод Жўраевлар олиб бораётган саъй-ҳаракатлар алоҳида таҳсинга сазовордир.

Қодир ТУРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси



МИЛЛИОНЛАРНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ЙИГИТ

Август ойининг ўрталари эди. Эрталабданоқ кўпчилик вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси Комилжон Толиповни табриклашга шошишди. Чунки унинг шогирди Ботир Усмонов оғир атлетика бўйича Индонезияда ўтказилган нуфузли мусобақада учинчи марта Осиё чемпиони бўлганди. Ўн тўққиз ёшда бундай муваффақиятга эришиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

У вақтларда, аниқроғи, бундан тўққиз йил олдин Комилжон Толипов вилоят касаба уюшмаларига қарашли 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ишларди. Ўшанда ўн ёшли Ботир ана шу спорт маскани остонасига илк бор қадам қўйди. Ҳали суяги қотмаган бола билан суҳбатлашаркан, К.Толипов ундаги ботиний қатъиятни, интилишни ҳис қилди. Бу ёшдаги болалар спорт мактабига кўп келади. Айримларигина мақсадларига эришади. Лекин Ботир аввалбошданоқ бошқача эди.

Юлдузларимиз

— Оғир атлетиканинг тош кўтариш йўналиши бўйича шуғулланувчилар кўп. Ўзимнинг шогирдларим ҳам анчагина, - дейди мураббий. — Ботир ҳам шулар қаторида машғулотларни бошлади. Аммо у бошқаларга нисбатан жиддий шуғулланди, жисмоний сифатлари ва имкониятлари тез ўзгарди, ўсди.

Бу гапларда жон бор. Ботир 14 ёшида Фарғонада ўтказилган мусобақалар натижасига кўра спорт устаси, 18 ёшида Хитойда бўлиб ўтган мусобақалардан сўнг халқаро спорт устаси унвонига сазовор бўлди. Дарвоқе, 1999 йил Хитойда ўтказилган Осиё биринчилигида Ботир шунчаки ғолиб бўлиб қолмай 155 килограммли тошни даст кўтариш бўйича рекорд ҳам ўрнатди. Орадан уч йил ўтиб, яъни 2002 йил Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлган қитъа биринчилигида Ботир Усмонов ушбу рекордини янгилаб, мухлису мутахассисларни лол қолдирди. Бу йил эса Индонезияда муваффақият қозонди. У ҳозир уч карра қитъа чемпиони, Осиёнинг икки карра рекордчиси. Буларнинг барчаси заҳматли меҳнатнинг меваси, албатта.

— Нимагаки эришган бўлсам, ҳаммаси Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлигининг, жаҳон майдонларига кенг йўл очилганининг шарофати, қолаверса, устозим Комилжон Толиповнинг хизматлари туфайли деб биламан, - дейди Ботир Усмонов. — Тош кўтариш спортининг ҳам ўз сир-синоати бор. У ғоят аниқликни талаб қилади. Унча-мунча сезилмайдиган хато ҳам мақсадга эришиш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларни барбод қилиб юбориши мумкин.

Полвон, Самарқанднинг кўҳна Мотруд қишлоғи фарзанди Ботир Усмонов айни вақтда машғулотларни давом эттириб, навбатдаги мусобақаларга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Эндиликда унга Комилжоннинг укаси Ғайрат Толипов мураббийлик қилаяпти. Дарвоқе, Ботир ўтган йили «Ўзбекистон ифтихори» унвонига сазовор бўлди. Ҳа, Ватаннинг бундай ўғлонларидан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири



Беш-олти яшарлик пайтимдаёқ менда курашчи бўлишга қизиқиш пайдо бўлган эди. Ойнаи жаҳон қаршисида туриб деярли барча спорт кўрсатувларини томоша килардим. Уларга ўхшашга тиришар, улардек ғолиб бўлишни орзу килардим.

УСТОЗЛАР ИШОНЧИ КУЧ БАҒИШЛАДИ

Шукрки, орзуларим аста-секин амалга ошмоқда. Ҳозир 14 ёшга қадам қўйдим. Бундан уч йил аввал вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли 1-БЎСМнинг эркин кураш бўлимига қабул қилиндим. Шундан бери тажрибали мураббий Насриддин Юсуповдан кураш сирларини ўрганиб келмоқдаман.

Илк маротаба қўлга киритган ғалабам ҳали-ҳануз ёдимда. 2000 йили Андижон шаҳрида Соғлом авлод йилига бағишлаб ўтказилган вилоят биринчилигида 26 килограмм вазнда гиламга чиқдим. Аввалига бутун вужудимни кучли ҳаяжон, бироз иккиланиш, қатъиятсизлик қамраб олганди ўшанда. Лекин устозларим маслаҳатлари, йўл-йўриқлари қўл келди: чемпионликка эришдим. Бир йил ўтгач эса Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Арслан Хадарцев хотирасига бағишланган турнирда учинчи ўринни қўлга киритдим.

Ўтган 2002 йил мен учун жуда омадли келди. Мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдим. Шунингдек, қўшни Қирғизистонда ўтказилган кўплаб халқаро турнирларда қатнашдим. Улар орасида Майласуу шаҳрида ўтказилган халқаро турнир мен учун, айниқса аҳамиятлидир. Бу мусобақада Россия, Тожикистон ва Қозоғистон каби хорижий мамлакатлардан кўплаб ёш, иқтидорли тенгдошларим қатнашган эди. Шунга қарамай, мураббийим кўрсатмаларига қатъий амал қилиб, турнирнинг олтин медали билан тақдирландим. Албатта, бу мусобақалар тажриба оширишим, маҳоратимни шакллантиришимда муҳим рол ўйнамоқда.

Озми-кўпми қўлга киритган барча ютуқларимда мураббийим Насриддин ака Юсуповнинг хизматлари катта. Чунки у менда ўз кучимга, иродамга ишониш туйғусини шакллантира олди. Бу эса менга катта куч, ирода бағишлайди. Ваъда бераманки, устозларим ишончини албатта оқлайман. Келгусида катталар ўртасидаги халқаро беллашувларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиламан.

Авазбек ЖАББОРОВ,
Андижон вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли 1-БЎСМ тарбияланувчиси

ДАДИЛ ҚАДАМ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилиб, спортчиларимиз халқаро мусобақаларда жонажон Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, ҳамюртларимиз кўплаб халқаро турнирлар, жаҳон ва қитъа биринчиликларида зафар қучишди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёдаги, балки қитъамиздаги спорт тараққий этган мамлакатлардан бирига айланди.

Мамлакатимиз Президентининг болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги Фармони Ватанимиз келажаги бўлган ёш авлодни баркамол ўсишларини таъминлаш йўлидаги яна бир хайрли қадам бўлди. Айни вақтда республикамизнинг барча жойларида болалар спортини ривожлантириш мақсадида мисли кўрилмаган даражадаги ишлар бажарилмоқда. Янги, замонавий спорт иншоотлари қад ростлаяпти. Республикамизнинг барча жойларида бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, вилоят касаба уюшмалари ташаббуси билан тизимдаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари маҳоратини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Дарвоқе, ҳозирги вақтда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфида 8 та БЎСМ фаолият кўрсатяпти. Уларда 2 минг нафарга яқин ўсмир ёшлар дзюдо, самбо, кураш, футбол, волейбол, енгил атлетика каби энг оммавий спорт турлари билан шуғулланаётир. Спорт мактабларининг учтаси қишлоқ БЎСМлари бўлиб, уларда юзлаб иқтидорли қишлоқ ёшлари тарбияланаяпти. Болалар спортини ривожлантиришга мураббийлар – Р.Қурбонов, Ю.Ришков, Н.Холидова, У.Соҳибов, Ю.Темиров, Ж.Мартирасян, Б.Ҳасановлар катта ҳисса қўшишмоқда. Айтганча, вилоятда сув спорти, жумладан, синхрон сузишни ривожлантириш мақсадида жамият қошида янги мактаб очиш мўлжалланмоқда.

– Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда 2010 йилгача бўлган дастур белгилаб олинди, – дейди вилоят касаба уюшмалари ЖТСЖ раиси Рўзи Ўтаев. – Унга кўра вилоятимизда 8 та энг йирик спорт иншооти қурилади. Мазкур иншоотларни аҳоли тиғиз яшайдиган маҳалла марказларида бунёд этиш режалаштирилган. Бу муҳим ишда вилоят касаба уюшмалари ҳам ўзининг катта улушини қўшади, албатта.

Дарҳақиқат, вилоят касаба уюшмалари томонидан болалар спортини тараққий эттириш мақсадида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бу эзгу тадбирлар эрта-индин ўз мевасини берса, ажабмас.

Камол ОЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли бокс мактаби республикамиздаги анча таниқли спорт масканларидан бири саналади. Чунки Бекзод Хидиров, Жасур Матчонов, Музаффар Усмонов, Олимхўжа Умархўжаев каби маҳоратли боксчилар илк сабоқларни айнан шу ерда олишган.

Ҳозирги вақтда бу ерда Шуҳрат Исроилов, Ҳамидулла Ғозиев, Марат Қурбонов, Ҳабибулла Усмонов сингари тажрибали мураббийлар бокс ихлосмандлари бўлган ўнлаб ёшларга «чарм қўлқоп» сирларини ўргатишяпти.

Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар



Тадбир

7 ЁШДАН 70 ЁШГАЧА

«Кумушкон»да беллашди

Соғлом фарзандлари бўлган халқ, албатта ўзининг буюк келажагини барпо этади. Шунинг учун жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, ривожлантириш баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим шартидир. Бунда касаба уюшмаларининг хизматлари ҳам эътиборга лойиқдир. Зеро, касаба уюшма ходимлари ўртасида мусобақалар ўтказиш яхши анъанага айланиб бормоқда.

Яқинда «Кумушкон» дам олиш масканида кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма Тошкент вилоят қўмитаси ҳамда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган тармоқ саломатлик спартакиадаси катта тантана билан ўтказилди. Спорт байрамига вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан жамоалар қатнашиб, улар волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, оилавий мусобақа ва оғир атлетика (тош кўтариш) баҳсларида куч синашдилар.

Ватанимиз мадҳияси янграб, спартакиада байроғи кўтарилгандан сўнг қуръа ташланиб, баҳслар бошланди. Таъкидлаш ўринлики, беллашувлар мобайнида иштирокчиларнинг қатнашуви доимий равишда спорт ихлосмандларининг олқишлари билан қўллаб-қувватлаб турилди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган дамлар, яъни ғолибларни аниқлаш дақиқалари етиб келди. Аёллар ўртасида ўтказилган волейбол мусобақасида Тошкент туманидан келган қизлар жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Аёллар ўртасидаги стол тенниси баҳсларида эса Паркент туманилик Ф.Дусебоева, эркаклар ўртасида зангиоталик теннисчи Э.Умаров ғолиб чиқди.

Аёллар ўртасида бўлиб ўтган енгил атлетика баҳсларида Паркент тумани вакиласи Ш.Асанова, эркаклар ўртасида эса Янгийўл туманидан келган спортчи Н.Хидиралиев шоҳсупага кўтарилди. Оилавий мусобақаларда Тошкент тумани вакиллари Йўлдошевлар оиласи кўпчиликни лол қолдирди. Оҳангарон туманидан келган полвон Т.Жанаев оғир атлетика турида энг юқори кўрсаткични забт этди. Зангиота туманилик 7 ёшли Лазизбек Асқаров спартакиаданинг энг ёш иштирокчиси деб тан олинди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга тармоқ ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси томонидан таъсис этилган қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Саидориф ПЎЛАТОВ,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бўлими мудири

Қарши шаҳридаги «Чармгар» маҳалласида янги спорт майдончаси шуғулланувчиларга топширилди. Ҳудуддаги 1,3 гектар ташландиқ майдон маҳалла қўмитаси ташаббуси билан тозаланиб, ажойиб спорт

«ЧАРМГАР» БОЛАЛАРИГА

майдончасига айлантирилди.

Ҳозирги пайтда бу ерда маҳалла болалари волейбол, баскетбол ва футбол билан шуғулланишмоқда. 1,5 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланган ушбу спорт иншоотини фойдаланишга топширишда маҳалла аҳли ҳамда бир нечта саховатталаб ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлди. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши томонидан футбол, волейбол, баскетбол жамоалари аъзоларига кийим-кечаклар ва спорт жиҳозлари олиб берилди.

Вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳам хайрли ишдан четда қолмади. Жамият мутахассислари спорт майдончаларини талаб даражасида жиҳозлантиришда кўмаклашдилар. Ҳозирда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг малакали мураббийи маҳалла ёш спортчиларига устозлик қилмоқда.

О. КАМОЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Азиз юртдошлар!
Энг азиз, энг улуғ байрам муборак бўлсин!

1 SENTABR - MUSTAQILLIK KUNI!

ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Фидокор халқимизни Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади

Азиз Ватанимизни гуллаб-яшнатиш йўлидаги ишларингиз ҳамиша бароридан келсин

TV дастури

1-7 сентябр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 1

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига бағишланган узлуксиз теледастур.

Байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!

«Ўзбекистон» телеканали Сиз муҳтарам томошабинларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб тайёрланган ранг-баранг кўрсатувлар, клиплар, фильмларни томоша қилишга таклиф этади.

Қадрли томошабинлар! Сиз шу куни «Ассалом, Ўзбекистон!», «Таҳлилнома» дастурларининг байрам сонларини, юртдошларимиз ҳамда хорижлик меҳмонларнинг байрам табриклари, Мустақиллик байрамларида ижро этилган қўшиқлар ва айнан байрам кайфияти учун ёзиб олинган аския, телеўйинлар, пойтахт сайлгоҳлари, майдонларидан репортажларни кўриб маданий ҳордиқ чиқаришингиз мумкин. Шунингдек, «Обод уйда пок одамлар яшайди», «Мустақиллик иншоотлари» кўрсатувларида ҳам жонажон Ватанимизда 12 йил мобайнида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари тўғрисида ҳикоя қилинади. «Болалар сайёраси»да эса «Олтин тож» ўз соҳибини қутади. Шоирларнинг энг азиз, энг улуғ байрамимизни мадҳ этувчи шеърлари билан танишасиз. Миллий-маданий марказлардан Мустақиллик байрами. шодиёналари ҳақида тайёрланган кўрсатувлар эътиборингизга ҳавола этилади.

Ўзбекистоннинг 12 йилда жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, иқтисодий-сиёсий алоқалари ҳақида шарҳловчиларнинг чиқишлари ҳам Сизни бефарқ қолдирмайди. деб ўйлаймиз.

«Ўзбекистон» телеканалида илк бор «Ўзбеккино» маҳсулоти «Ойижон» номли бадиий фильм намойиш этилади.

Байрамингиз кўнгилли ўтсин, азиз телетомошабинлар!

Истиқлолимиз абадий бўлсин!

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Энг азиз, энг муқаддас байрам!
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 «Давр» ҳафта ичида.
9.35 ТВ – анонс.
9.40 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Бахтли болалик.
10.15 Чемпион сирлари.
10.35 «Шарқ тароналари» фестивалининг тантанали очилиши (ёзиб олинган)
11.55 Энг азиз, энг муқаддас байрам!
12.00 Маслаҳат.
13.10 Ёшлар овози.
13.30 Ҳандалак плюс.
13.35 «Остона». Телевизион бадиий фильм 3-қисм.
14.20 «Янги авлод» студияси: Биринчи қўнғироқ, «Янги авлод» почтаси.
14.55 ТВ - анонс.
15.00 Давр. Махсус сони.
15.15 «Остона». Телевизион бадиий фильм 4-қисм.
16.10 Ҳандалак плюс.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Алпомиш». Бадиий фильм 1-қисм.
17.35 Энг азиз, энг муқаддас байрам!
17.40 «Алпомиш». Бадиий фильм 2-қисм.
18.55 «Ниҳол-2003» мукофотларининг топшириш маросимидан ёзиб олинган мусиқий дастур.
20.45 «Заковат» интеллектуал ўйини.
22.00 Давр.
22.30 ТВ – анонс.
22.35 Юлдуз Усмонова куйлайди.
23.05 «Салом, шодлик, салом, ғам!» Бадиий фильм.
2.00 – 2.05 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Томоша».
17.45 «Спорт ва болалар».
18.05, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.45, 21.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.10 «Фаровонлик бекати».
19.50 «Тошкент фавворалари». Телевизион фильм.
20.25 «Avto-news».
21.05 «Ханда дўкони».
21.55 Кинонигоҳ. «Ёр-ёр».
23.05-23.10 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30 – 8.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Бинафша».
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.30 «Икки тақдир». Сериал.
21.40 «Бизнес ревю».
21.45 «Спорт масканларида».
22.00 В. Спиваков Тошкентда.
22.25 Кинематограф. «Қочоқ келин». Бадиий фильм.
00.10 «Ахборот».
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Алпомиш». Мультфильм.
9.15 «Мувозанат».
9.35 «Спортимиз фидойилари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Кичкина малика». Бадиий фильм.
11.30 «Ўзбекистон ва жаҳон».
11.50 Мусиқий танаффус.
12.05 «Нўҳат полвон», «Олтин мих». Мультфильмлар.
12.25 «Адабий жараён».
12.45 Болалар учун. «Ёш юлдузлар».
13.05 «Аския».
13.20 «Шарқ тароналари» фестивалининг ёпилиши.
14.10 Кундузги сеанс: «Индаба». Телесериал.
15.00, 16.15 ТВ анонс.
15.05 «Халқнинг кўнгли». Ижодкор ва томошабинлар учрашуви.
15.35 ТВ клип.
15.45 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
16.20 Болалар учун. «Қўшиғим - жон қўшиғим».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
17.55 ТВ маркет.
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «XX1 аср ўзбек театри». Премьера.
18.40 Репортаж.
18.50 «Олтин бешик».
19.10 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истеъмолчи».
21.25 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
21.55 «Ифтихор».
22.15 «Келин-қуёв». Телешоу.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 Жаҳон жуғрофияси.
17.50 «Янги авлод» студияси: «Томир», «Дунё ва болалар».
18.30 Ёшлар овози.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»- интервью.
19.50 ТВ - анонс.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Сув – ҳаёт манбаи.
20.15 Дийдор.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
23.45 – 23.50 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
17.50 Хориж хабарлари (рус)
18.00, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Ҳимоя».
18.30, 20.00, 21.50, 22.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 Хориж хабарлари.
19.15 ТТVда сериал. «Айрилиқ азоби».
20.25 «Муқаддас пойтахт». Телевизион фильм.
21.25 «Ҳамшаҳарлар».
22.05 ТТVда сериал. «Эдемга қайтиш».
23.05 Кинонигоҳ. «Ошиқу беқарор».
00.35-00.40 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Жаҳон рақслари».
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 «Ҳаммаси у ҳақида».
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.55 «Дилбарлар, жигарбандлар». Сериал.
19.35 «Дунёнинг янги мўъжизалари».
20.00 «Время».
20.30 «Икки тақдир». Сериал.
21.40 Аср сирлари. «Мерлин Монро. Голливуд фожиаси».
22.30 «Бизнес ревю».
22.35 «Ахборот».
23.10 Кинематограф. «Бешдан тўққизгача». Бадиий фильм.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 4

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Туғилган кун».
Теленовелла.
2. «Қизиқарли учрашувлар».
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Жонли камалак». Бадиий фильм.
11.10 Симфоник мусиқа дунёси.
11.30 «Оқ қарқара». Мультфильм.
11.50 ТВ клип.
12.05 «Алмандар уйланармиш». Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
13.05 Болалар спорти: «Умид юлдузлари».
13.20 «Алмандар уйланармиш». Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.
13.55, 16.10 ТВ анонс.
14.10 «Меҳр қолур».
14.30 Кундузги сеанс: «Индаба». Телесериал.
15.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Насаф»-»Трактор».
16.15 «Камила». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Цирк цирк, цирк».
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Аждодлар мероси».
18.50 «Иқтидор». Интеллектуал телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.25 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
21.55 Болалар спорти: «Бир умр ҳамрохим».
22.15 «Ёмғир одами». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.10 «Ахборот-дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.



«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 Тонгги сериал: «Дарбадарлик». Бадиий фильм 1-қисм.
10.05 ТВ - адвокат.
10.10 «Янги авлод» студияси: «Томир», «Дунё ва болалар».
10.50 «Давр» - интервью.
11.05 Ёшлар овози.
11.25 «Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Дийдор.
12.25 Биринчи қўнғироқ, «Янги авлод» почтаси.
13.00 Давр.
13.10 «Анпанман». Мультсериал.
13.35 «Шарқ тароналари» фестивалининг тантанали ёпилиши (ёзиб олинган)
15.15 ТВ - анонс.
15.20 Ёшлар телеканалида спорт дастури: 1 Нокаут. 2 Теннис.
16.20 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.40 Сув – ҳаёт манбаи.
16.50 Ғазал соғинчи.
17.10 «Момо ер». Маърифий фильм 3-қисм.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Болалар шеърияти.
18.10 «Баджаҳл Бамбр». Мультфильм.
18.20 «Умр дафтари» туркумидан: «Рамз Бобожон». Видеофильм 1-қисм.
18.35 ТВ – анонс.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Зинама-зина» телеўйини.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Чемпион сирлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.15-0.20 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
17.50 Хориж хабарлари (рус)
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 20.45, 21.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 Хориж хабарлари.
19.15 ТТVда сериал. «Айрилиқ азоби».
20.20 «Ёвлон қалби».
21.00 ТТVда сериал. «Эдемга қайтиш».
22.00 Кинонигоҳ. «Тунукасозлар».
23.30-23.35 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Дунёнинг янги мўъжизалари».
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.55 «Дилбарлар, жигарбандлар». Сериал.
19.35 «Ҳинд оҳанглари».
20.00 «Время».
20.30 «Икки тақдир». Сериал.
21.40 Аср сирлари. «Мерлин Монро. Голливуд фожиаси».
22.30 «Бизнес ревю».
22.35 «Ахборот».
23.10 Кинематограф. «Бешдан тўққизгача». Бадиий фильм.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 3

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм.
9.50 Мусиқий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Тафсилот».
10.20 «Шайтон бола». Бадиий фильм.
11.30 «Олтин бешик».
11.50,13.50 ТВ клип.
12.05 «Ифтихор».
12.25 , 15.00, 16.25 ТВ анонс.
12.30 «Меҳрибон тулки». Мультфильм.
12.50 «Довонлар оша».
13.10 «Ўзбекистон Ватаним маним».
13.30 «Истеъмолчи».
14.10 Кундузги сеанс: «Индаба». Телесериал.
15.05 Куйла, ёшлигим».
15.25 «Ягона оилада».
15.55 «Камила». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Туғилган кун». Теленовелла.
2. «Қизиқарли учрашувлар».
3. «Покахонтас». Мультсериал.
18.10 «Қалбга яқин қўшиқлар».
18.30 «Умид». Телелотерея.
18.55 Репортаж.
19.05 «Ажаб саодат эрур».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Санъат усталарининг концерти.
21.25 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
21.55 ТВ клип.
22.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»-»Машъал».
22.55 «Ахборот-дайжест».
23.15 «Ёмғир одами». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 Тонгги сериал: «Дарбадарлик». Бадиий фильм 1-қисм.
10.05 ТВ - адвокат.
10.10 «Янги авлод» студияси: «Томир», «Дунё ва болалар».
10.50 «Давр» - интервью.
11.05 Ёшлар овози.
11.25 «Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Дийдор.
12.25 Биринчи қўнғироқ, «Янги авлод» почтаси.
13.00 Давр.
13.10 «Анпанман». Мультсериал.
13.35 «Шарқ тароналари» фестивалининг тантанали ёпилиши (ёзиб олинган)
15.15 ТВ - анонс.
15.20 Ёшлар телеканалида спорт дастури: 1 Нокаут. 2 Теннис.
16.20 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.40 Сув – ҳаёт манбаи.
16.50 Ғазал соғинчи.
17.10 «Момо ер». Маърифий фильм 3-қисм.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Болалар шеърияти.
18.10 «Мультфильм».
11.05 Ёшлар овози.
11.25 «Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Спорт - қитъаси (рус тилида)
12.35 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 «Анпанман». Мультсериал.
13.35 «Янги авлод» студияси: Бешбармоқ.
13.55 Интерфутбол.
15.35 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
16.25 Фарзандим – жигарбандим. Маҳалла ҳаётидан лавҳалар. 5-қисм.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16. 55 «Янги авлод» студияси: Келинг, танишайлик, Ёқимли иштаҳа.
17.25 Ёшлар овози.
17.45 «Умр дафтари» туркумидан «Рамз Бобожон». Видеофильм 2-қисм.
18.00 ТВ - анонс.
18.05 Сийрат.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интервью.
19.50 ТВ –анонс.
19.55 Ёшлар. Дўстлик. Меҳр.
20.15 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Юртим кўрки.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Бегойим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.15-0.20 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
17.50 Хориж хабарлари (рус)
18.00, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани.
18.15 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 20.40, 21.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 Хориж хабарлари.
19.15 «ТТVда сериал. «Айрилиқ азоби».
20.20 «Бурч ва масъулият».
20.55 ТТVда сериал. «Эдемга қайтиш».
21.55 Кинонигоҳ. «Жуманжи».
23.30-23.35 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Жаҳон рақслари».
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 «Оддий Кулгу».
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.55 «Дилбарлар, жигарбандлар». Сериал.
19.35 «Дунёнинг янги мўъжизалари».
20.00 «Время».
20.30 «Икки тақдир». Сериал.
21.40 «Бизнес ревю».
21.45 «Ишбилармон кишилар».
22.05 «Соккер клуб».
22.25 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
22.35 «Ахборот».
23.10 Кинематограф. «Беҳаловат Жек». Бадиий фильм.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 5

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00 , 12.00, 14.00 , 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Одам- амфибия». Бадиий фильм.
11.35 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Бухоро вилояти.
11.55, 13.55 , 15.00 ТВ анонс.
12.05 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
13.05,16.15 ТВ клип.
13.15 Болалар спорти: «Бир умр ҳамрохим».
13.30 Эстрада тароналари.
14.10 Кундузги сеанс: «Индаба». Телесериал.
15.05 «Озод юрт одамлари».
15.25 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан».
15.45 «Камила». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.25 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.25 «Депутат».
17.45 Мусиқий танаффус.
18.10 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
18.25 «Соғлом она - соғлом бола».
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 ТВ клип.
21.45 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.15 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 Тонгги сериал: «Дарбадарлик». Бадиий фильм 3-қисм.
10.05 «Янги авлод» студияси: Келинг, танишайлик, Ёқимли иштаҳа.
10.35 «Давр»-интервью.
10.50 Юртим кўрки.
11.10 Бегойим.
11.30 «Ғвадалупе». Телесериал.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 «Фарзандим – жигарбандим». Маҳалла ҳаётидан лавҳалар 5-қисм.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 «Анпанман». Мультсериал.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Сийрат.
15.35 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм.
16.45 ТВ – анонс.
16.50 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
17.10 «Момо ер». Маърифий фильм 4-қисм.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: Меҳмонхона.
18.00 «Беодоб бола». Мультфильм.
18.10 «Умр дафтари» туркумидан: «Рамз Бобожон». Видеофильм 3-қисм.
18.30 Аскар мактублари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 ТВ - анонс.
20.00 Оддий одамлар.
20.20 Сув – ҳаёт манбаи.
20.25 Мусиқий лаҳзалар.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Ғвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ – анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Ринг қироллари, 2.Футбол плюс.
0.05 – 0.10 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
17.50 Хориж хабарлари (рус)
18.00, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Биз ва болалар».
18.30, 20.00, 20.40, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 Хориж хабарлари.
19.15 ТТVда сериал. «Айрилиқ азоби».
20.20 «Саломатлик маскани».
20.55 ТТVда сериал. «Қиш сонатаси».
22.25 Кинонигоҳ. «Муҳаббат кунлари».
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Жонли табиат».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 «Ҳужжатли детектив».
18.00 В. Сюткин иштирокидаги концерт дастури.
18.55 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес-ревю».
20.35 «Юқори технологиялар олами».
20.45 «Дурдаршан».
21.10 «Хит парад».
21.40 «Рақс қироли». Бадиий фильм.
22.40 «Ахборот».
23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 6

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.20 «Бу турфа олам».
11.10 Телевизион миниатюралар театри.
11.40 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
11.55 ТВ 1 кинотеатри: «Замонлар оша-1». Бадиий фильм.
13.35 «Нафосат гулшани».
13.50 «Замонлар оша-2». Бадиий фильм.
15.40 «Ягона оилада».
16.10 «Адабий жараён».
16.30 «Айиқча ва аждарҳо». Мультфильм.
17.40 «Ҳиммат».
17.55 Болалар спорти: «Маҳалламиз стадиони».
18.15 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
21.45 «Оқ ва қора». Телешоу.
22.30 «Ахборот-дайжест».
«Тунги ёғду»:
22.50 «Ўзбекистон телеканалида илк маротаба: «Гурур ва эҳтирос». Бадиий фильм. 1-2-қисмлар.
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ - анонс.
9.40 Тонгги сериал: «Дарбадарлик». Бадиий фильм 4-қисм.
10.30 ТВ – адвокат.
10.35 Табобат оламида.
11.00 «Янги, авлод» студияси: Меҳмонхона.
11.20 «Ғвадалупе». Телесериал.
12.00 Мусиқий лаҳзалар.
12.10 Оддий одамлар.
12.30 Ринг қироллари.
13.20 Бола тилидан.
13.50 «Ёшлар» телеканалида премьера «Кикужиро». Болалар учун фильм.
15.40 «Ўзбекистон ёшлари». Видеофильм.
16.10 «Экспедиция». Кўп қисмли ҳужжатли сериал.
17.00 Қишлоқдаги тенгдошим.
17.20 ТВ - анонс.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
17.55 «Бир шер ва тўққиз сиртлон». Мультфильм.
18.05 Саломатлик сирлари.
18.25 Ниқоб.
18.30 Каталог.
18.40 «Давр» - репортаж.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ – анонс.
19.40 Ҳандалак плюс.
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 Кутилмаган меҳмон.
20.15, 21.05, 22.35 Эълонлар.
20.20 «Ясон ва аргонавтлар». Кўп қисмли бадиий фильм 1-қисм.
21.10 Оҳанрабо.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Дўстимнинг тўйи». Бадиий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Мисли гавҳар».
18.30 «Афиша».
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.10 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Умидли ўсмирлар».
19.40 «Нима учун?»
20.10 «Озод ва обод юрт».
20.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.50 ТТVда сериал. «Қиш сонатаси».
22.05 «TV плюс».
22.35 Кинонигоҳ. «Зорро». 1-2-сериялар.
00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.30 «Уйга қайтиш». И. Ливанов. Киев.
10.20 «Табиатшунослик сайёҳат».
11.00 Болалар соати.
12.25 «Мусиқий серпантин».
13.10-14.10 Дўстлик видеоканали: «В доброй хате», «Чинсэн», «Бизнен мирас».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Мультсеанс».
17.05 «Билишни истайман».
17.10 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
17.50 С. Сталоне «Пойгачи» фильмида.
20.00 «Время».
20.25 «Олтин микрофон».
21.30 Футбол. Европа чемпионати-2004. Ирландия - Россия терма жамоалари.
23.40 «Ахборот».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЯКШАНБА, 7

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Шарқ тароналари».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 , 12.55 ТВ анонс.
11.25 «Бу турфа олам».
12.15 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
13.00 «Чимилдиқ«. Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакль премьераси. 1-қисм.
13.55 «Санъатга бахшида умр».
14.15 «Чимилдиқ«. Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакль премьераси. 2-қисм.
15.10 , 16.45 ТВ клип.
15.20 «Қорақалпоқнома».
15.40 «Портретга чизгилар».
16.00 «Учинчи сайёра сири». Мультфильм.
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Улғайиш поғоналари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.55 «Бир кулишайлик».
18.10 «Қалб гавҳари».
18.30 Эстрада тароналари.
18.50 «Бизнес ҳафта».
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Қўшиқ-ла ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.
21.30 «Яхшилик».
«Якшанба кинозали»:
22.10 «КиноТеатр».
22.30 «Рангин кўзгу». Бадиий фильм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 ТВ - анонс.
9.05 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
9.30 «Давр»-репортаж.
9.40 Оҳанрабо.
10.20 Қувноқ стартлар.
10.50 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
11.35 «ФИФА» (футбол ичида, футбол атрофида)
12.15 Мусиқий лаҳзалар.
12.25 ТВ - анонс.
12.30 «Заковат» интеллектуал ўйини.
13.45 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Учрашув, 2. Аскар мактублари.
14.25 Ёшлар овози.
14.45 «Ясон ва аргонавтлар». Кўп қисмли бадиий фильм 1-қисм.
15.30 ТВ – анонс.
15.35 Чемпион сирлари.
15.55 «Экспедиция». Кўп қисмли ҳужжатли сериал.
16.45 «Зинама - зина» телеўйини.
17.10 Малайзия-Осиё нилуфари.
17.30 ТВ - анонс.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Ассалом, мактаб!
18.20 «Мульттомоша».
18.35 Спорт ҳафтаномаси.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.15 ТВ – анонс.
19.20 Мусиқий лаҳзалар.
19.30 «Қаҳқаҳа» театр – студияси намойиш этади.
20.00, 20.50, 22.30 Эълонлар.
20.05 «Ясон ва аргонавтлар». Кўп қисмли бадиий фильм 2-қисм.
20.55 «Қилни қирқ ёриб...» Интеллектуал ўйин.

Бу вокеага ўттиз беш йилдан ортикрок вакт ўтган бўлса-да, юрагим тубида мисоли метин тош бўлаги сингари ўрнашиб колган. Качон ёдимга тушса, ёшлик ғуруримга санчилган тиғ мисол изтиробдан зиркираб кетаман. Ўшанда ғарб давлатларидан бирида йўлланма билан хордик чикараётган эдим. Ўрта Осиёнинг жазирамасига ўрганганимданми, хаво ўзгарганлиги таъсир килиб, тобим кочиб колди. Мен сингари у ёки бу сабаб билан ётокда колганларни барвактрок тушликка чакиришди. Ўзимча, тил билмаслик туфайли оғзимизга талкон солингандек овкатлансак керак, деб ўйласам, бунинг акси юз берди. Европалик аксарият ёшлар инглиз тилини мукаммал ўзлаштиришган экан. Камина хам икки-уч йил мактабда, шунча вакт университетда шу соха бўйича шуғулланганлигимдан, домламиз айтганларидек, хорижга чиксак «оч колмайдиган» даражада билимга эга бўлганлигим аскотди.

ОНА ЗАМИНИМ МЕНИНГ

Публицистика

Табиийки, ҳар қандай тоифадаги одам четда учратган кишисини қаердан келганлиги билан қизиқади. Мен ҳам ўз навбатида Ўзбекистондан эканлигимни маълум қилдим. Оғир ботган жойи шу бўлдики, даврадагилардан деярли ҳеч ким юртимизни билмас экан. Бу менга жудаям алам қилди ва мен мактабда, университетда беш-олти йил мобайнида инглиз тили бўйича олган бор билимимни ишга солиб дунё маданий тараққиётига улкан ҳисса қўшган инсоният бешикларидан бири саналган Турон замини ҳақида тушунча беришга киришдим. Ватандошимиз Беруний Христофор Колумбдан 800 йил олдин «катта уммонлар ортида, Оврўподан нарида йирик қитъа бор»лигини илмий исботлаганлигини, шунингдек, у Ер билан Ой ўртасидаги масофани биринчи бўлиб ўрганганлигини, умуман, эҳтимоллик назарияси асосчиларидан бири эканлигини, бошқа ҳамюртимиз Ибн Сино эса жаррохлик амалиётини илк бор амалга оширганлардан бири бўлганлигини, «медицина» термини аслида унинг номидан келиб чиққанлигини, математика яна бир буюк бобокалонимиз Ал-Хоразмий номи билан боғлиқлигини, Ҳиндистондек йирик ва аҳолиси кўп бўлган давлатни 300 йилдан ошиқроқ вақт идора қилган бобурийлар ватани мен туғилиб ўсган Андижон эканлигини, қолаверса, дунёнинг ярмидан кўпини забт этган соҳибқирон Амир Темур ҳам шу юрт фарзанди эканлигини айтишдан ўзимни тия олмадим. Даврадагилар орасида Германия ва Англиядан ташриф буюрган бир йигит ва бир қизнинг рус тилини сал бўлса-да билиши менга туртки берар, инглизчани эплаштиролмаган кезларимда улар даврадагиларга гапларимни тушунтириб беришарди.

Бир маҳал кимдир елкамга туртгандек бўлди. Ўгирилсам, ёнгинамда гуруҳимизнинг сиёсий раҳбари. У гарчанд жилмайиб турган бўлса-да, бу кўриниши ниқоб эканлигини пайқадим. У қўшни стол атрофидаги ўриндиқлардан бирини олиб ёнгинамга қўйди.

– Ортиқча вақиллама, - деди бир маҳал бошқаларга эшиттирмасдан аста қулоғимга. – Мен анчадан буён ортингда эдим. Гапларингнинг ҳаммасини эшитдим.

Даврадагилар юзимдаги ўзгаришни пайқашди чоғи, суҳбатимиз ортиқ қовушмади. Шерикларимдан бири уни, бошқаси буни баҳона қилиб ўринларидан туриб кетишди. Икковимиз ёлғиз қолдик.

– Нега бунақа сиёсий мавзуда гап юритдинг? – дўқ билан сўради сиёсий раҳбаримиз.

У билан баҳслашиш яхшиликка олиб бормаслигини билардим. Барибир ўзимни тия олмадим.

– Гапларимнинг қайси бири нотўғри-ю, қайси бирида сиёсий хатолик бор, - дедим ўзимни босишга интилиб. – Улар Ўзбекистонни, ўзбеклар кимлигини билишмас экан, шуни тушунтириб қўйдим, холос.

– Ўзбекистон пахта етиштирадиган ўлка, деб қўя қолсанг бўлмасмиди?

– Бизда фақат пахтагина етиштирилмайди. Бизда олтиндан тортиб урангача бўлган юздан ортиқ саноат хомашёси қазиб олинади. Ўзбекистонда ҳозирда ҳам, қадимда ҳам илм-фан тараққий топган.

Сиёсий раҳбаримиз негадир ортиқ оғиз очмади. Жаҳл билан ўрнидан турди-ю жўнаб қолди. Таъбим тирриқ тортди, йиғиштирилмаган стол атрофида анча вақт ўтириб қолдим. Кўнглимда бири иккинчисига боғланмаган ғалати ҳислар туғён урарди. Нега илдизи олис асрларга бориб уланган Турон заминни хорижда билишмайди? Нима учун жаҳон маданиятига, илмфани ривожига улкан ҳисса қўшган ватандош олимларимиз номини бошқаларга айтишдан қўрқишимиз керак? Ўшанда менда илк маротаба нималаргадир шубҳа ва норозилик туғилди...

Бугунги кунда қадимий Турон замини узра гуллабяшнаётган Ўзбекистонимни жаҳон тан олган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси узра Ватаним байроғи мағрур ҳилпираяпти. Ўзбекистон Республикаси истиқлолининг 12 йиллигини нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу дамларда ана шу ўтмиш воқеалари ва ҳозирги фахрланиш туйғуларини хаёлдан ўтказар эканман, бор бўл, истиқлол, мангу яшна, она юртим, дея бор овозда ҳайқиргим келади!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ



КРОССВОРД

Ёйлар бўйича: 1.Ватанимизда обод бўлиб бораётган ҳудуд. 2.Иқтисодиёт тури. 3.Республикамизда жойлашган Мирзо Улуғбек номидаги халқаро кенглик муассасаси жойлашган маскан. 4.Тошкент вилоятидаги шаҳар. 5.Футбол команда. 6.Иқтидорли ёшларга бериладиган мукофот. 7.Азиз неъмат тури. 8.Халқ артисти, эстрада санъатимиз намояндаси. 9.Чорвачилик маҳсули. 10.Тараққиёт асоси. 11.Зеб-зийнат буюми. 12.Давлатимизнинг олий нишонларидан бири. 13.Шарқ халқлари меросига оид асарлар ёзиб қолдирган файласуф, академик. 14.Миллий газлама. 15.Ҳарбий куч. 16.Ўзбекистон халқ рассоми. 17.Ўзбек шоири ва драматурги. 18.Автомобиль маркаси. 19.Фарғона вилоятидаги чинорзорлари билан машҳур маскан. 20.Металлурглар шаҳри. 21.Биринчи ўзбек кинооператори. 22.Туркистон тизма тоғларидаги қўриқхона. 23.Ўтмишни ўрганувчи фан. 24.Ватанимиз жанубидаги тоғ. 25.Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст романи. 26.Миллий таом. 27.Бирор мақсадга қаратилган шартнома. 28.Пойтахт. 29.Ҳарбийлар фаолиятига бағишланган «Сардор» фильми режиссёри. 30.Қимматли қоғоз тури. 31.Саид Аҳмад қаламига мансуб «Уфқ» романи қаҳрамони. 32.Таниқли ўзбек боксчиси. 33.Вилоят «кент»ларидан бири. 34.Бахтли тақдир. 35.Кўрк берувчи нарса. 36.Ватанимиз мустақиллиги айёми Шамсия йил ҳисоби бўйича нишонланадиган ой номи. 37.Бош қомусимиздан: «Ўзбекистон ... демократик республика». 38.Ўзбек тилшунос олими, маърифатпарвар. 39.Ҳар жиҳатдан етуклик. 40.Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1.Қашқадарё вилоятидаги газ-кимё корхонаси - 20, 17, 21, 5, 9, 6.

2. Ҳудуди энг катта вилоят - 6, 3, 18, 9, 1, 11.

3. Ижодкорларнинг дам олиш маскани - 19, 17, 21, 13, 9, 6.

4. Порлоқ келажак - 1, 8 , 5, 1, 4, 16, 9, 2.

5. Фарғона вилоятидаги обод масканга айланган дашт - 12, 7, 12, 18, 9, 6.

6. Мирзачўлда бунёд бўлган шаҳар - 14, 10, 2, 1, 8, 5, 9, 6.

7. Муваффақият, зафар - 15, 3, 2, 3, 16, 3.

Очқич сўзлари жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган табрик сўзларимизни билиб олинг.

Ф.ОРИПОВ тузди.

«Шарқ тароналари»

Самарқанд давлат университетида «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусиқа фестивали доирасида илмий-ижодий анжуман бўлиб ўтди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Унинг кун тартибидан ўрин олган Шарқ қўшиқчилик санъатида анъана ва замонавийлик, жанр таснифи, қўшиқчиликда ижро услублари билан боғлиқ масалалар бугун нафақат Шарқ, балки Европа ва Америка мусиқашуносларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

- Англия университетларида Шарқ миллий мусиқачилигидан сабоқ бераман, - дейди асли ўзбек бўлган буюк британиялик мусиқашунос Розия Султонова. - Ўзбек халқининг маданий мулки бўлган «Шашмақом» бўйича илмий изланишлар олиб боряпман. Инглизлар Шарқ мусиқасига жуда катта қизиқиш билан қарайди. Мамлакатнинг қатор кутубхоналари ва музейларида «Шашмақом» тасмага туширилган ҳолда сақланади.

Анжуманда Япония, Корея, Озарбайжон, Тожикистон, Хитой, Миср ҳамда мамлакатимиз мусиқашунос олимлари анъанавий миллий қўшиқчилик санъати, мусиқа асбоблари тарихи, мақом ижрочилигида чолғулар жўрлигига оид мавзуларда маъруза қилишди.

ДОВОНЛАРДАН КЕРАК ЎТМОҒИМ

Илҳом

Мен ҳайқирмоғим керак,
Ёнмоғим керак.
Қимирламоқ эмас шунчаки фақат.

Югурмоғим керак,
Довонлардан керак ўтмоғим,
Шошмоғим керак,
Истиқболинг сари зўр иқбол бўлиб.

Ёниқ юраклардай,
Ўткир кўз бўлиб.
Жўшқин шеърларимда
Қайноқ сўз бўлиб,
Ҳайқирмоғим керак, азизим.

Бахтли келажак-чун,
Залворли қадамлар ташламоқ даркор.

Ватан келажаги
Ва шаъни учун,
Ишламоғим керак астойдил, дилдан.

* * *

Ётоғига кетди юлдузлар,
Тун ҳам бўлди қайгадир ғойиб.
Тоғ ортидан олтин кокилли,
Бир париваш чиқди жилмайиб.

Табиатнинг ёришди қалби,
Яна қуёш тахтга ўтирди.
Нурли бармоқлари сийпалаб
Тун гардини ердан супурди.

Наргиза ОРИПОВА



Турфа олам

ЁШАРИШ СИРИ КАШФ ЭТИЛДИ

АҚШ олимлари кексаликнинг олдини олиш чорасини кашф этишга муваффақ бўлган кўринишади. Гарвард университетининг тиббиёт бўйича бир гуруҳ мутахассислари тирик организмлардаги қафасчаларнинг қариш жараёнини секинлаштириш йўлини топишди.

Олимлар ўтказган тадқиқотнинг асосий объекти SIR-2 гени ҳамда у ишлаб чиқарадиган протеинлар - сиртуинлар бўлди. Сиртуинлар барча тирик организмларда, жумладан, инсонда ҳам учрайдиган ферментлардир.

Олимларнинг фикрича, мазкур оқсиллар организмдаги қафасчаларнинг ўз-ўзини сақлашида кучли восита сифатида хизмат қилади. Айниқса, сиртуинлар организмда озиқ моддалар етишмовчилиги бошланган мураккаб вазиятларда муҳим аҳамиятга эга.

Гарвард университети олимлари эса сиртуинлар фаоллигини энг камида икки мартага оширувчи биологик моддаларни аниқлади. Булар орасида энг самаралиси қизил вино таркибида учрайдиган ресвератролдир.

Мутахассислар гуруҳига раҳбарлик қилаётган Дэвид Синклер мазкур моддалар билан тажриба ҳозирча замбуруғ ва чувалчангларда ўтказилаётганини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, тез орада тажриба сичқонларда, сўнгра эса маймунларда ҳам ўтказилади. Д.Синклер тажриба муваффақиятли кечса, яқин беш йилда мазкур усул инсонларда ҳам қўлланилиши мумкинлигини айтди.

Тажриба жараёнида инсон организми қафасчалари сунъий равишда нурлантирилди. Натижада таркибида сиртуинлар фаоллаштирилган организмларнинг чидамли эканлиги аниқланди. Олимларнинг фикрича, яқин келажакда мазкур усул ёрдамида инсулт маҳалида мия қафасчалари умрини узайтириш мумкин бўлади. Бу билан эса Алцгеймер хасталигига ва бошқа касалликларга даво топилса, ажаб эмас.

(ЎзА)

Тошкентда имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни хар томонлама тиклашга бағишланган халқаро семинар нихоясига етди. У Жаҳон банкининг ёш фуқароларни жамият учун фойдали қилиб тарбиялашда жамоат ташкилотлари ва отаоналар фаолиятини кучайтириш учун кичик грантлар дастури доирасида ўтказилди.

ОРЗУЛИ ДУНЁ

Жаҳон банки, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ўзбекистон болалар жамғармаси, Ногирон болалар ва катталар спорт клуби, Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирлиги вакилларининг ушбу учрашуви Ўзбекистон болаларга ва ўсмир ногиронларга ёрдам кўрсатиш жамоатчилик маркази томонидан уюштирилди.

Семинарга таклиф этилган чехиялик Юри Вотава ва Сусана Капрова имконияти чекланган ўсмир ва болаларни тиклаш юзасидан иш олиб бориш учун ўн беш нафар ота-она ва мамлакатимизнинг турли шаҳарларида яшовчи ўн беш нафар болалар жамоатчилик ташкилотлари ходимлари билан машғулотлар ўтказди.

— Эндиликда улар жойлардаги доимий тренерларга айланадиган 150 кишини ўқитишлари лозим, - деди марказ раиси Дилбар Курбонова.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон болалар жамғармасининг раиси Инқилоб Юсупова мамлакатимизда ногирон болаларга тааллуқли кўпгина муаммолар мавжудлигини қайд этди. Аксарият ҳолларда ногирон болаларнинг отаоналари уларни бошқалар кўзидан яширишга уриниб, шу билан уларнинг жамиятга мослашувига тўсқинлик қилишади. Эндиликда жамоат ташкилотлари бола билан ҳар куни ишлаб уни мамлакатнинг тўлақонли фуқаросига айлантириш зарурлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

«Туркистон-пресс»

МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР

Футбол

Биз аввалги ҳисоботларимиздан бирида «Нефтчи» иккинчи давра ўйинларини анча бўш ўтказаётганини, буни жамоа ўз дарвозасидан кўплаб тўп ўтказиб юораётганида кўриш мумкинлигини айтиб ўтгандик. Чамаси, ҳимоя чизиғига кўз текканлиги ростга ўхшайди. Гарчанд йигирманчи турда фарғоналиклар ўз майдонларида ўйнаган бўлсаларда, «Бухоро» футболчилари уларнинг дарвозаларини уч бор аниқ нишонга олишга муваффақ бўлдилар.

Ҳайриятки, ҳужумчилар Юрий Саркисяннинг жонига оро кирдилар. «Бухоро» дарвозасига йўлланган беш тўп эвазига жамоа муҳим уч очко эгасига айланди. Кези келганда айтиш жоизки, учрашув муросасиз кечди ва қатор ўйин қоидаси бузилишларга ҳам йўл қўйилди. Натижада ўйинни бошқариб борган ҳакам К.Смирнов етти футболчини огоҳлантиришга мажбур бўлди.

Ушбу турнинг дастлабки олти учрашувида жами 33 марта сариқ карточка кўрсатилди, икки футболчи (В.Келдиев - «Насаф», А.Жадигеров - «Андижон») иккинчи огоҳлантиришдан сўнг ҳакамлар томонидан майдондан четлаштирилди.

Баҳсларнинг муросасиз кечгани албатта яхши, томошабинлар стадионга аслида ана шунинг учун ташриф буюришади. Лекин дўппини ерга қўйиб жиддий ўйланса-чи? Ҳар бир огоҳлантириш замирида у ёки бу футболчининг жароҳат олиши ётади. Энг даҳшатлиси, бундай кўргиликка асосан қобилиятли ўйинчилар дучор қилинади. Уларнинг аксарияти миллий ва ёшлар термаси аъзолари эканлиги кишини ташвишга солади.

Футбол - техник ва тактик маҳорат намойиш этиладиган ажойиб спектакл. У гладиаторлар жангига айланиб кетишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Қолган учрашувлар қуйидагича натижа билан тугади: «Навбаҳор» - «Насаф» - 4:0, «Самарқанд-Д» - «Андижон» - 2:1, «Трактор» - «Қўқон-1912» - 3:1, «Гулистон» - «Цементчи» - 1:1, «Машъал» - «Сурхон» - 2:0.

29 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Нефтчи»	**20**	**17**	**0**	**3**	**57-23**	**51**
2.«Пахтакор»	**18**	**16**	**2**	**0**	**60-16**	**50**
3.«Қизилқум»	**19**	**12**	**3**	**4**	**42-18**	**39**
4.«Навбаҳор»	20	11	5	4	38-19	38
5.«Насаф»	20	11	2	7	39-30	35
6.«Машъал»	20	9	4	7	33-22	31
7.«Дўстлик»	19	8	3	8	28-33	27
8.«Сурхон»	19	7	4	8	21-34	25
9.«Андижон»	20	6	5	9	24-26	23
10.«Бухоро»	20	7	2	11	33-37	23
11.«Самарқанд-Д»	20	7	1	12	25-34	22
12.«Цементчи»	20	5	6	9	28-40	21
13.«Трактор»	20	4	4	12	26-49	16
14.«Металлург»	19	4	4	11	21-40	16
15.«Қўқон-1912»	**20**	**5**	**0**	**15**	**24-48**	**15**
16.«Гулистон»	**20**	**4**	**3**	**13**	**15-45**	**15**

Эслатма: «Металлург» - «Пахтакор» ва «Қизилқум» - «Дўстлик» жамоалари кеча учрашдилар.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Сурхондарё вилоят тармоқ қўмитасининг бош ҳисобчиси Зинаида УДАЛОВАга турмуш ўртоғи **Владимир САЛОМАТИН**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9274 Буюртма Г— 717. 1 2 3 4 5 6